

# Янги Ўзбекистон

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 32 (1631), 2026 йил 17 февраль, сешанба



## Барча ислохот ва дастурлар, аввало, одамлар ҳаётида аниқ натижа бериши зарурлиги қайд этилди

Президент Шавкат Мирзиёевга энг устувор ислохотлар дастурлари ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2026 йилда амалга ошириш бўйича Давлат дастури лойиҳалари юзасидан ахборот берилди.

Қайд этилганидек, мазкур лойиҳалар илғор хорижий тажрибага таяниб мутлақо янги ёндашув асосида ишлаб чиқилди. Уларда Президентимиз томонидан белгилаб берилган жорий йилдаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва мақсадли кўрсаткичлари ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ механизми белгиланмоқда.

Ислохотлар дастурлари ва Давлат дастурининг бир-бириндан фарқли жиҳатлари алоҳида тўхталинди.

Ислохотлар дастурлари давлатимиз раҳбарининг халқимиз ва Олий Мажлисга Мурожаатномасида илгари сурилган ташаббуслар ва 2026 йил учун энг устувор ислохотларни қамраб олган.

Булар маҳаллалар инфратузилмасини такомиллаштириш ва уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш, иқтисодий технология ва инновацион ўсиш моделига ўтказиш ҳамда ички бозорда талабни рағбатлантириш, касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш, экологик мувозанатни таъминлаш ва сувдан оқилона фойдаланишни ташкил этиш ҳамда давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жамиятда бирдамликни таъминлаш орқали уни юксалтириш.

Бу дастурларда “хужжат ишлаб чиқиш”дан “натижага эришиш” тамойилига ўтилмоқда. Ҳар бир ташаббусни амалга ошириш механизми ва йил якунига мўлжалланган ижро натижалари бўйича КРИ белгиланган. Дастурлар тўғриван тўғри амал қилиш механизмига эга ва айрим ташаббуслар бўйича алоҳида хужжат қабул қилишни талаб этмайди. Ҳар бир ислохотлар дастурининг ижроси учун шахсан жавобгар бўлган масъул раҳбар

ва мувофиқлаштирувчи давлат ташкилоти белгиланмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида эса стратегиянинг 2026 йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичлари ижроси ташкил этилади. Дастур билан 337 та банддан иборат амалий чора-тадбирлар режаси тасдиқланмоқда. 2026 йилда соҳалар кесимида энг муҳим 59 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва энг муҳим стратегия ислохотлари назарда тутилган 12 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Лойиҳаларни ишлаб чиқишда жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди. Давлат дастури кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиб, 23 январь — 1 февраль кунлари оммавий ахборот воситалари ва интернет тармақларида кенг тарғиб қилинди. Интернетда лойиҳа билан 5 миллиондан зиёд фойдаланувчи танишиб, 22 мингдан зиёд фикр-мулоҳаза ва тақлифлар билдирилди.

Олийгоҳлар ва давлат идораларида 50 дан ортиқ муҳокама тадбирлари ўтказилиб, 10 мингта яқин талаба, профессор-ўқитувчилар ва давлат хизматчилари иштирок этди. Хориждаги ватандошлар билан ҳам алоҳида мулоқотлар ташкил этилиб, қатор қўшимча ташаббуслар билдирилди.

Таҳлиллар натижасида конструктив деб топилган 1000 га яқин тақлиф саралаб олинди, Давлат дастури лойиҳасига киритилди.

Жумладан, аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик учун жазони кучайтириш, педофилия учун умрбод озодликдан маҳрум этиш

жазосини жорий этиш, ипотека ва электро-мобиль хариди учун кредит механизмларини такомиллаштириш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини 30 фоизга етказиш, коррупцияга қарши курашини янги босқичга олиб чиқиш, жиноят ишлари бўйича судларда халқ вакиллари ҳайъати иштирокини йўлга қўйиш каби ташаббуслар қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, маҳалла маблағлари сарфи бўйича очиқ ҳисобдорликни кучайтириш, маҳаллаларда ички йўллар, пидёлалар ва велоўйуқларни ташкил этиш, бизнес-инкубаторлар яратиш, саноат зоналари хузурида касбий қайта тайёрлаш марказлари очилиш, дароҳат кешини учун жавобгарликни қатъийлаштириш, энергия самарадорлиги бўйича КРИ жорий этиш, утилизация ва қайта ишлаш заنجирини йўлга қўйиш каби тақлифлар қизиқарли деб топилди.

Бундан ташқари, АҚШ, Германия, Туркия, Франция, Канада, Корея, Япония, Швеция, Португалия ва Қозоғистонда ватандошлар иштирокида муҳокамалар ташкил этилиб, 60 га яқин қўшимча тақлифлар олинди.

Хориждаги ватандошлар нодавлат мактаблар фаолиятини ривожлантириш учун аниқ, барқарор ва шаффоф лицензиялаш ҳамда назорат механизмларини жорий этиш, амалиёт жараёнида ўқувчиларни йўналтирувчи қорхона мутахассислари учун рағбатлантириш ва масъулият тизимини татбиқ қилиш, баҳадор бўйини ва кўкрак беши саратонни бўйича хавф гуруҳларини аниқ белгилайдиган ягона рақамли скрининг тизимини жорий этиш, имтиёзли кредитларни ажратишда “натижага боғланган имтиёз” (performance-based subsidy) моделини, экспорт қилувчи

корхоналар учун эса “Export-as-a-service” моделини жорий қилиш, яъни логистика, божхона, сертификатлаш, маркетинг ва тўлов масалаларини ягона оператор орқали комплекс хизмат сифатида тақдим этиш, адвокатлар учун электрон нават олиш жараёни бўйича қўллаш ва видеоўйриқномалар тайёрлаш каби тақлифларни билдирган.

Дастурлар ижросини молиялаштиришга жами 250,5 триллион сўм ажратилиши ва 50,4 миллиард доллар маблағ жалб қилиниши кўзда тутилган.

Давлат дастури ижроси бўйича Адлия вазирлиги ва Ҳисоб палатаси доимий мониторинг олиб боради, Вазирлар Маҳкамаси ҳар чоракда ижронини муҳокама қилади, ҳар ярим йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳисобот ҳамда ҳар ой Президентга ахборот киритиб борилади.

Ҳар бир ислохотлар дастури учун бириктирилган масъуллар ҳар чоракда ижро ҳолати юзасидан Президентга ахборот бериб боради. Бош вазир ислохотлар дастуридаги ташаббусларнинг амалга оширилиши ва молиялаштирилишини мувофиқлаштириб, ижронини қатъий назоратта олиш учун масъул бўлади. Давлатимиз раҳбари тақдирот қилинган лойиҳалар билан батафсил танишиб, тегишли фармонни имзолаб, ислохотлар дастури ва “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” Давлат дастурини тасдиқлади. Барча ислохот ва чора-тадбирлар, аввало, одамлар ҳаётида аниқ натижа бериши — янги иш ўринлари қўлайиши, даромадлар ўсиши ва аҳоли розилигида ўз аксини топиши зарурлиги қайд этилди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Президенти Амалий Ташриф билан Америка Қўшма Штатларида бўлади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг тақлифига биноан 17-19 февраль кунлари Тинчлик кенгашининг дастлабки йиғилишида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Вашингтон шаҳрида бўлади.

Кенгашнинг биринчи саммити АҚШ Тинчлик институтда бўлиб ўтади ҳамда Газо секторини тиклаш ва унга гуманитар ёрдам кўрсатиш, ушбу минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларига бағишланади. Ташрифнинг ишбилармонлик дастури доирасида давлатимиз раҳбари Американинг етакчи компаниялари ва молия институтлари раҳбарлари иштирокидаги стратегик лойиҳалар

тақдироти ҳамда иқтисодий соҳага оид икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросимида иштирок этиши кўзда тутилган.

Эслаб ўтамиз, Тинчлик кенгаши АҚШ Президенти Дональд Трамп ташаббуси билан ташкил этилган. Ўзбекистон жорий йил январь ойда Швейцариянинг Жаров шаҳрида унга таъсисчи давлат сифатида қўшилди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда инсон қадрини, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, аҳоли, айниқса, эҳтиёжманд тоифаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўллаш ислохотларимиз туфайли муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, ўзаро аҳиллик, саховат ва шукроналик ғояларини ўзида мужассам этган муборак Рамазон ойи халқимиз қалбига янада яқин ва муътабар айёмга айланмоқда.

Ижтимоий-маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётган Рамазон ойини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, диний-маърифий, маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

- 2026 йилда муборак Рамазон ойининг бошланиши 19 февраль кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуруний” жамғармаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мамлакатимизда Рамазон ойини миллий аънава ва қадриятларга мос тарзда ўтказишга доир чора-тадбирларни амалга оширсин.

“Рамазон — меҳр-муруват, аҳиллик ва шукроналик ойи” деган эзгу ғоя асосида: кам таъминланган, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; маҳаллаларни ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, адолат ва тарбия масалаларида айлантириш; ер, сув, ҳаво ва табиий муҳитни асраш, муқаддас қадимжолар, зиёратгоҳ ва қабристонларни обод этиш;

Рамазон ойи билан боғлиқ тадбирларни исрофгарчиликка йўл қўймасдан, ихчам, мазмуни ва тежамкорлик асосида ўтказишга алоҳида эътибор берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2026 йил 16 февраль

## РАМАЗОН ОЙИДА САХОВАТ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ҚАДРИЯТЛАРИ АМАЛИЙ ИШЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 16 февраль кун Рамазон ойида эҳтиёжманд аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда инсон қадрини улуғлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш ва адолатли жамият барпо этишга қаратилган кенг қўллаш ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилганидек, Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида фуқаролар фаровонлигини таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларни қўллаб-қувватлаш ва жамиятда меҳр-оқибат муҳитини кучайтиришни устувор вазифа деб билади. Мазкур тамойиллар, айниқса, Рамазон ойида янада ёрқин намоён бўлиб, саховат ва ҳамжиҳатлик қадриятлари амалий ишлар билан мустаҳкамланади.

Давлатимиз раҳбари муборак ойда нурионийлар, ёлғиз ва эҳтиёжманд фуқаролар ҳолидан хабар олиш, оғир аҳолга тушиб қолган оилаларга амалий кўмак бериш эзгу қадрият эканини таъкидлади.

Йиғилишда шу мақсадда ишлаб чиқилган “Рамазон — меҳр-муруват, аҳиллик ва шукроналик ойи” шiori остидаги комплекс чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берилди. Уларни амалга ошириш учун “Вақф” хайрия жамоат фондида 750 миллиард сўм ҳамда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги орқали 300 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Ажратиладиган маблағлар ҳисобидан эҳтиёжманд оилаларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш, ноғиронлиги бор шахсларнинг

даволаниш ва жарроҳлик амалиётлари харажатларини қоплаб бериш кўзда тутилган.

Президентимиз жорий йил январь ойида ўтказилган видеоселектор йиғилишида бутун турли рақиб ва экстраемистик ғоялар ахборот технологиялари орқали ёшларимиз онгини заҳарлашга уринаётгани, фақат жазо ва тақиб билан бу муаммони ҳал қилиб бўлмастлигини таъкидлаган эди.

Айни дамда Президентимиз жамият оналари ва келажак авлод тарбиячилари бўлган хотин-қизларни бузғунчи ғоялар тасвиридан асраш, уларни ҳам маънави, ҳам моддий қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида ургу берди.

Бу жараёнда ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган шахсларни ижтимоийлаштириш, моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг оилалари билан индивидуал тарзда ишлаб, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш ҳамда касб-хунарга ўргатиш орқали бандлигини таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилаларнинг аниқ ва шаффоф рўйхатини шакллантириш, ёрдамларни фуқароларнинг дини, миллати ва ижтимоий келиб чиқишдан қатъий назар, тенг ва адолатли тарзда етказиш шартлигини алоҳида таъкидлади. Масъул идораларга бу борада қатъий назорат ўрнатилиши таъкидланди.

ЎЗА

## Биринчи миллий сунъий йўлдошни яратиш ва фазога учуриш бўйича лойиҳалар кўриб чиқилди

Президент Шавкат Мирзиёев космосга сунъий йўлдош учуриш ҳамда биринчи ўзбек фазогирини тайёрлаш бўйича дастлабки ишлар тақдироти билан танишди.

Таъкидланганидек, бугун дунёда рақобат янги босқичга чиқиб, иқтисодий қудрат табиий бойликлар билан эмас, интеллектуал салоҳият ва технологиялар билан ўлчанмоқда. Космик технологиялар эса стратегик аҳамиятга эга йўналишлардан бирига айланди.

Мамлакатимизда космик маълумотлардан фойдаланиш бошлангич кўп вақт ўтмаган бўлса-да, қисқа вақт ичида сезиларли амалий натижаларга эришилди. Давлат космик мониторинг ишга туширилиб, ушбу тизим проактив равишда ишламоқда.

Шу билан бирга, сўнгги беш йилда ма-софадан сондаш маълумотларига талаб 3 қарра ошгани, ҳозирда космик мониторинг билан 10 дан зиёд давлат идоралари ва барча ҳокимликлар ишлаётгани кўрсатиб ўтилди.

— Энг муҳими, космик маълумотлар орқали биз “кўз билан кўриб бўлмайдиган” иқтисодий имкониятларни аниқлаб, уларни реал даромад манбаига айлантиришимиз. Бу давлат ресурсларини бошқариш

механизми ва маданияти ўзгараётганидан далolat, — деди Президентимиз.

Шу билан бирга, космик соҳада узоқ муддатли ва барқарор миллий тизим — сунъий йўлдошларни бошқариш, маълумотларни қайта ишлаш ва улардан амалиётда фойдаланиш инфратузилмасини шакллантириш муҳим экани қайд этилди. Бундан мақсад мамлакатимиз суверен ва объектив маълумотлар манбаига эга бўлишидир.

Ҳозиргача хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилиб, бўлажак сунъий йўлдошнинг аниқлиги ва фойдали юкларига доир техник талаблар аниқланди.

Тақдиротда илмий-технологик салоҳиятини ошириш доирасида биринчи миллий илмий сунъий йўлдошни яратиш лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Лойиҳа доирасида мутахассисларни тайёрлаш ва муҳандислик жамоасини шакллантириш, 2028 йилда “Мирзо Улуғбек” номли 6U форматдаги илмий сунъий йўлдошни учуриш тақлиф қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан биринчи миллий космонавтни

тайёрлаш ва уни фазога учуриш стратегик вазифа сифатида белгиланди.

— Бу шунчаки рамзий қадам эмас, балки мамлакатимиз илмий салоҳияти, ёшларимиз орзуси ва миллий гуруҳимизни ифодаси бўлади, — деди Президентимиз.

Миллий фазогирини қисқа муддатга — 10-14 кунлик парвозга тайёрлаш тақлиф қилинди, бундай парвозларни ташкил этиш бўйича халқаро ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди.

Космонавтни фазога учуриш аниқ илмий дастурни амалга ошириш билан узвий боғланган бўлиши зарурлиги қайд этилди. Зеро, бу ютуқ мамлакатимизнинг халқаро нуфузини ошириши билан биргаликда илмий салоҳиятини ривожлантириш, янги лойиҳа ва технология ташаббусларнинг пайдо бўлиши, ёшларнинг фан ва технологияларга қизиқиши орттиришга хизмат қилиши керак.

Ўзбекистон космонавти фазода бўлиши даврида олиб борилиши мумкин бўлган тадқиқотлар йўналиши сифатида тиббиёт ва биология (масофавий ташхис қўйиш,

маҳаллий доривор экстрактлар самарадорлигини ўрганиш), ўсимликлар генетикаси (курғоқчилик ва шўрланнишга чидамли навларни синаш, ёпиқ агротизимлар модели), материалшунослик (иссиқликни тўшлаш ва бошқариш учун материаллар, мато ва толарани синовдан ўтказиш) тақлиф қилинди.

2028 йилда Самарқанд шаҳрида космос бўйича халқаро конгресс ўтказиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Унда АҚШ, Европа, Хитой, Ҳиндистон, Россия ва бошқа давлатларнинг етакчи космик ташкилотлари иштирок этишга қизиқиш билдирган.

Масъулларга ушбу халқаро тадбирга юксак савияда тайёрлик кўриш топширилди.

Тақдирот якунида Президент Шавкат Мирзиёев сунъий йўлдошлар лойиҳалари ва миллий фазогирини тайёрлаш бўйича ҳисоб-китоб ҳамда амалий тақлифларни лухта ишлаб чиқиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА



## Қишлоқ хўжалиги: Муносабат

Жорий йил 13 февраль кун Президентимизнинг Оҳангарон туманига ташрифи давомида тармоқ ва худудларда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича асосий вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида кўплаб фикрлар айтилиб, мутасаддилар зиммасига қатор вазифалар юкланди. Ушбу янги топшириқлар ҳамда иқтисодий тармоқларни тараққиёт учун белгиланган мақсадлар нафақат рақамлар ва кўрсаткичлардан иборат, балки улар ортида халқимизнинг фаровонлиги, фермер ва тадбиркорлар учун яратилган янги имкониятлар ҳамда замонавий технологияларнинг амалиётга татбиқини кўриш мумкин.

ҲАЁТ ТОМИРИ, ЮРТ РИЗҚ-РЎЗИ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ЗАМИНИДИР

Аграр соҳа шунчаки иқтисодий тармоғи эмас, аксинча, ҳаёт томири, юртинг ризқ-рўзи, халқ фаровонлигининг мустаҳкам таянчидир. Шу маънода, бугун қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни замон билан ҳамнафас тараққиёт сари қўйилган жасоратли қадамлар, десак хато бўлмайди. Бинобарин, мазкур

соҳага тегишли ҳар бир қарор, ҳар бир янги ташаббус далаларда унган ҳосил каби келажакка ишонччи янада мустаҳкамламоқда.

Қишлоқ хўжалигининг 2026 йил учун ўсиш прогнози 4,2 фоиз этиб белгиланган эди. Бирок қўшимча имконият ва ресурслар чуқур таҳлил қилиниб, ҳозирги салоҳият

қайта сарҳисоб қилинди. Натижада жорий йилда соҳадаги ўсиш суръатини 6 фоизга етказиш белгиланди. Бу 571 триллион сўмлик ялпи маҳсулот ҳажми, қўшимча 32 триллион сўмлик ўсиш демакдир.

Худуд аҳли томорқадан самарали фойдаланиб, йилига уч марта ҳосил олади. Натижада 1 сотих ер ўртача 5 миллион сўм даромад келтиряпти. Бу эса оила бюджетини мустаҳкамлаб, бандлик даражасини ҳам оширмақда.



## Маҳалла ўзгарса — жамият ўзгаради

**Т**онг. Кўёш нурлари хали ерни илиқ кучоғига олмай туриб, Ғаллаорол кўчаларида ҳаракат, хонадонларда янги кунга тайёргарлик завқи бошланади. Бир пайтлар ишсизлик, умидсизлик билан юзма-юз келган, эртанги кундан хавотирда яшаган кўп оилалар бугун хотиржам, хурсанд ҳолда келажакка қатта режалар тузаяпти.

## ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ РАҚАМЛАРДА ЭМАС, ИНСОНЛАР ТУРМУШИДА НАМОЁН БЎЛЯПТИ



эди. Ҳозирда беданалар сони 7 мингга етган. Қаҳрамонимизга маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчиси кўмағида инкубатор олиб берилгани боис, иш кўлами янада кенгайган. Ҳозир у бир ойда ўртача 15 миллион сўм соф даромад олмақда.

Аҳамиятлиси, ушбу даромад моддий фаровонлиқни таъминлаш билан бирга оилавий қадриятларнинг янада мустаҳкамланишига ҳам хизмат қилмоқда. Диёрнинг орзуларидан бири отасига замонавий автомобиль совға қилиши.

— Машинани отамнинг ҳалол меҳнат билан биз — фарзандларни вояга етказганига бўлган эҳтиром сифатида совға қилмоқчиман. Совгани янги йилгача олиб бермоқчи эдим, аммо озгина маблағим етмади. Бу ниятимдан маҳалламиз ҳоким ёрдамчиси ва баъзи яқин дўстларим хабардор эди. Улар менга кредит ёки бўлиб бериш шарти билан олиш мумкинлигини айтди. Лекин бир ой кечроқ бўлса ҳам нақд пулга, ҳалол меҳнат ҳақим ҳисобига совға қилишга қарор қилдим, — дейди Диёр.

Унинг бу нияти жамиятимизда меҳнатсеварлик, ота-онага ҳурмат ва ҳалол ризқ каби қадриятлар боқийлигининг ёрқин ифодаси дейиш мумкин. Бу ўз ўрнида, аҳолини камбағалликни қисқартиришга қаратилган ислохотлар инсон тақдирини қандай ижобий ўзгаришлар яратётганини ҳам кўрсатади.

— Диёр Маматқуловнинг югути, таърибаси маҳалладаги бошқа ёшлар ва ишсиз фуқаролар учун ҳам ибрат бўляпти, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Анвар Мамарасулов. — “Мен ҳам ундай оламан” деган ишонч билан иш бошлаётган оилалар кўпаймоқда. Ҳозир бир қанча ёшлар унга шогирд тушиб, беданачилик йўналишини кенгайтириш ҳамда Сарбозор маҳалласида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшяпти.

Дарҳақиқат, маҳаллада ким билан суҳбатлашсанг, “Ҳаракат бор жойда барака бор” деган фикрни эшитасиз. Бу сўзлар энди шунчаки мақол эмас, балки кундалик ҳаётда ўз ишсизлигини топаётган ҳақиқатга айланган. Томорқаларда меҳнат қайнаган, хонадонларда оилавий тадбиркорлик ривожланиб, ёшлар меҳнатда ўз ўрнини топтоқда.



— Сарбозор маҳалласида меҳнатсеварлик, тадбиркорлик руҳи ва ўзаро ҳамжихатлик қадрият даражасига кўтарилган, — дейди “Сарбозор” МФЙ раиси Умида Ҳасанова. — Хизмат кўрсатиш ва деҳқончилик соҳаларининг ўй-ғун ривожланиши маҳалла аҳолисининг фаровон ҳаёт кечиришида муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Маҳалламиз қадим Буюк ипак йўли ёқасида жойлашган, савдо дўконлари ва бозорлар бўлган. Ҳозир ҳам маҳалламиз Тошкент-Термиз М-39 халқаро магистрал йўли ёқасида жойлашган. Тарихан маҳалланинг асосий ихтисослиги хизмат кўрсатиш ва деҳқончилик бўлиб келган. Унда 5415 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар асосан тадбиркорлик, хунармандчилик, чорвачилик билан машғул. Ўтган йили 75 нафар фуқаро ишсиз сифатида рўйхатга олинган эди. Ҳозир барчасининг бандлиги таъминланган.

Худуд аҳли томорқадан самарали фойдаланиб, йилига уч марта ҳосил олади. Натижада 1 сотих ер ўртача 5 миллион сўм даромад келтиряпти. Бу эса оила бюджетини мустаҳкамлаб, бандлик даражасини ҳам оширмақда. Шулардан бири Абдурауф Бўронов. У хонадонда кўчатчилик ва чорвачиликни йўлга қўйган. Шунинг эвазига 7 нафар фуқарони доимий, 15 нафарини эса мавсумий иш билан таъминлади. Хонадонда 50 дан ортиқ турли мева ва манзарали дарахт кўчатлари етиштирилади. Кўчатлардан

йилига 100-150 миллион сўм атрофида соф даромад топади. Шунингдек, у 25-30 бош йирик шохли мол боқиб, бозорга сифатли гўшт етказиб берапти. Чорвачиликдан ойдаги 15-20 миллион сўм соф даромад олади.

Бундай ижобий ўзгаришларни туманнинг бошқа маҳаллаларида ҳам кузатиш мумкин. Маржонбулоқ маҳалласида 2025 йил бошида камбағаллик даражаси 12 фоиз эди. Ҳозир бу кўрсаткич 4,4 фоизга тушди. Ўтган йили 42 та лойиҳа амалга оширилиб, қарийб 2 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди. Натижада 100 нафардан ортиқ фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлди, 356 нафар аҳоли ўзини ўзи банд қилди.

— Мулкшў маҳалласида ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ислохотлар самара берапти, — дейди ҳоким ёрдамчиси Одил Нўрмонов. — Маҳалламизда 4305 нафар аҳоли ишайди. Шундан 1869 нафари иш билан банд. Айни пайтда 43 та камбағал оила ва 54 нафар ижтимоий реестрдаги фуқаро билан манзилли иш олиб бораётипти. Қишлоқ хўжалиги ҳудудининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳозирда 60 та иссиқхона фаолият юритмоқда. 2025 йилда 15 та янги иссиқхона қўрилди. Жорий йил охирига қадар яна 15 тасни барпо этишни режа қилганмиз. Томорқадан унумли фойдаланиш йўлга қўйилиб, аҳоли бир йилда уч марта — эртани, тақририв ва тўқсондан кейинлардан ҳосил олмақда. Маҳалланинг асосий ихтисослашуви деҳқончилик ва чорвачилик бўлиб, қўшимча равишда боғдорчилик ва сабзавотчилик ҳам ривожланмоқда. Ҳозир 100 та хонадон деҳқончилик, 150 та хонадон чорвачилик билан шугулланади.

Ўтган 2025 йилида оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 48 та лойиҳага жами 771 миллион сўм кредит ажратилди. Улар иссиқхона, боғдорчилик, қишлоқ хўжалиги ва тикувчилик йўналишларини қамраб олди. “Бизнесга биринчи қадам” дастури доирасида 10 та лойиҳага 170 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Камбағалликни қисқартириш бўйича 43 та оила билан манзилли иш олиб борилаётган.

— Ҳозирги иссиқхона ўрни ташландиқ, тикон босган ер эди, — дейди маҳалланинг Ипак йўли кўчасида яшовчи Абдухашим Абдулқосимов. — “Маҳалла еттичилиги” тавсияси билан кўчасида намунавий кўчага айлантирилди. Учимиз тўғрисидаги ерни иссиқхона куриш учун берди. Кўчамиздан ўн киши иссиқхона қурди. Ўтган йили биринчи экинга помидор, иккинчи экинга бодринг эқдим. Оилавий меҳнат қилиб, яхшигина даромад қилдик. Ҳозир янги экин экишга тайёргарлик кўряпмиз. Бундан ташқари, чорвачилик билан ҳам шугулланамиз. Ҳукуматимизга раҳмат, ўтган йили экинларни сугориш учун маҳалламизга лотокда сув келтирилди. Ерларимиз ҳосилдор, меҳнат қилган кам бўлмапти. Чет элга ишлашга кетган кўп оилаларимиз ҳам оиласи бағрига қайтиб, ҳалол меҳнат қилиб даромад топяпти.

Ғаллаорол тумани маҳаллаларидаги бу ўзгаришлар аҳоли турмуш даражасини ошириш, меҳнат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган ислохотлар аниқ натижа бераётганидан дарак.

Дарҳақиқат, камбағалликни қисқартириш ва аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги ишлар рақамларда эмас, инсонлар ҳаётдаги ўзгаришларда акс этаётир. Маҳалла ислохотларининг энг таъсирчан бўлинига айланиб, аҳолининг даромади ошиш, ишсизлик қисқармоқда. Муҳими, одамлар эртанги кунга ишонч билан яшапти.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

## ЎЗБЕКИСТОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИ ДОИРАСИДА КОНСТРУКТИВ ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАН

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 17-19 февраль кунлари АҚШга ташриф буюриб, мулоқотни ривожлантириш ҳамда долзарб глобал ва минтақавий можароларни тинч йўл билан ҳал этиш учун кўп томонлама платформа сифатида ташкил этилган янги халқаро тузилма — Тинчлик кенгашининг биринчи мажлисида иштирок этади.

2026 йил январь ойида Давосда бўлиб ўтган Жаҳон иқтисодий форумида Тинчлик кенгаши таъсис шартномасини имзолаш маросими бўлиб ўтди. Унда давлатлар, ҳукуматлар раҳбарлари ва қатор таъсисчи мамлакатлар вакиллари иштирок этди.

Йил бошида илгари сурилган ушбу ташаббус қатор давлатлар, жумладан, Кенгаш таъсисчилари қаторига кирган Ўзбекистон томонидан ҳам қўллаб-қувватланиш тинч дипломатия, кўп томонлама ҳамкорлик ва халқаро барқарорликни сақлаш учун масъулият тамойилларига содиқлигини тасдиқлайди.

Тинчлик кенгашининг ташкил этилиши халқаро ҳамжамиятнинг можароларни олдини олишнинг таъсирчан механизми шакллантириш ва ҳозирги замоннинг энг аввало, Яқин Шарқ минтақасидаги энг ўткир инқирозларнинг сиёсий-дипломатик ечимларини излаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг мантӣқий давоми бўлди.

Ўзбекистоннинг ушбу тузилмани таъсис этишдаги иштироки Тошкентнинг мулоқот, халқаро ҳуқуқни ҳурмат қилиш ва куч сиёсатини қўллаб-қувватлашга асосланган Фаластин масаласи бўйича позицияси ушбу ташаббус доирасида қўшимча халқаро руҳ олди.

Давлатимиз раҳбарининг Тинчлик кенгашининг биринчи йиғилишида иштирок этиши сўнгги ойлarda кузатилаётган Ўзбекистон — АҚШ сиёсий мулоқотининг фаоллашувига ҳамоҳангдир. Ўтган ярим йил ичида Тошкент ва Вашингтон ўртасидаги олий даражадаги мулоқотлар сезиларли даражада фаоллашди. Бу икки томонлама муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги босқичдан далолат беради.

Хусусан, ўтган йил сентябрь ойида Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессиясида иштирок этиш учун Нью-Йорк шаҳрига ташриф буюрди. Унда давлат раҳбарлари ва халқаро ташкилотлар етакчилари билан учрашувлар ўтказилди, глобал ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Мулоқот 2025 йил ноябрь ойи бошида Ўзбекистон Президентининг Қўшма Штатларга амалий ташрифи чоғида янада

телефон орқали мулоқотлар ва тегишли идоралар ўртасидаги ҳамкорликда қўллаб-қувватланди. Иқтисодий мулоқотнинг кенгайиши ва бизнес ҳамкорлиги учун янги платформаларнинг яратилиши ишонч мустаҳкамлаётганининг қўшимча далили бўлди. Бу амалий ҳамкорликни чуқурлаштиришдан икки томон ҳам манфаатдорлигини акс эттиради. Қўшма Штатларда Ўзбекистонга вазмин ва прагматик ташқи сиёсат олиб бораётган ишончли, олдиндан айтиш мумкин бўлган ва масъулиятли ҳамкор сифатида қараш тобора барқарор тус олмақда.

Шу нуқтага назардан, Ўзбекистоннинг Тинчлик кенгашидаги иштироки мамлакатнинг халқаро нуфузи ортиб бораётгани ва унинг глобал жараёнлардаги конструктив роли эътироф этилаётгани ифодаси сифатида баҳоланмоқда. Вашингтон учун бу, Тошкент Евросиё ва ундан ташқарида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларни илгари суришда муҳим ҳамкор эканлигини тасдиқлаб бўлиб хизмат қилади.

**Сиёсий мулоқот фаоллашгани фонида Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлиги муҳим йўналишларда кенгайиб бормоқда. Гап минтақавий хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик, Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш, савдо ва инвестицияларни ривожлантириш, гуманитар ва таълим алоқаларини чуқурлаштириш ҳақида бормоқда. Энергетика, рақамлаштириш, инфратузилма ва кадрлар тайёрлаш борасидаги қўшма лойиҳалар узоқ муддатли шериклик учун мустаҳкам замин яратмоқда.**

Шундай қилиб, Ўзбекистон Президентининг Тинчлик кенгашининг бўлажак биринчи йиғилишида иштирок этиши нафақат мамлакатнинг халқаро мулоқотининг

**“**Давлатимиз раҳбарининг Тинчлик кенгашининг биринчи йиғилишида иштирок этиши сўнгги ойлarda кузатилаётган Ўзбекистон — АҚШ сиёсий мулоқотининг фаоллашувига ҳамоҳангдир. Ўтган ярим йил ичида Тошкент ва Вашингтон ўртасидаги олий даражадаги мулоқотлар сезиларли даражада фаоллашди. Бу икки томонлама муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги босқичдан далолат беради.

ривожланди. АҚШ Президенти билан музокаралар, Америка Конгресси ва ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтди. Ташриф доирасида стратегик шериклик, иқтисодий-инвестициявий ҳамкорлик ва минтақавий хавфсизлик масалаларига, шу жумладан, томонлар Марказий Осиёдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришнинг самарали механизми сифатида кўраётган “С5+1” форматига алоҳида эътибор қаратилди.

Тошкент ва Вашингтон ўртасидаги алоқалар турли форматларда, жумладан,

янги архитектурасини шакллантиришдаги фаол ролини таъкидлайди, балки Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг ижобий динамикасини тўлдирди. АҚШга ушбу ташриф, шубҳасиз, расмий Тошкент ва Вашингтон ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ҳар икки томон манфаатларига, минтақада ва умуман дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш вазифаларига жавоб берадиган барқарор стратегик даражага олиб чиқишга хизмат қилади.



Муносабат



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ: ҲАЁТ ТОМИРИ, ЮРТ РИЗҚ-РЎЗИ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИНГ ЗАМИНИДИР



Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, қишлоқ хўжалиги вазири

Бошланиши 1-бетда

Албатта, бунга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг ортида минглаб фидойи фермерлар, захматқаш деҳқонларнинг тинимсиз меҳнати, соҳадаги олим ва тадқиқотчиларнинг янги навлар селекцияси, инновацион ишланмалар, замонавий технологияларни амалиётга жорий этиши, ривожланган давлатлар тажрибасини ўзлаштириш ҳамда илмий ёндашувларни амалиётга жорий этишдек қатъий ислохотлар турибди. Бироқ бугунги аграр ислохотлар эрга муносабатни ўзгартирмоқда, деҳқон меҳнатига янги мазмун бағишламоқда. Илм-фан ютуқлари, рақамли технологиялар, замонавий техника ва инновацион ёндашувлар қишлоқ хўжалигини мутлақо янги bosқичга олиб чиқмоқда. Дала ва лаборатория, фермер ва олим, аъёна ва инновация — барчаси ягона мақсад йўлида бирлашяпти.

Ҳар бир соҳада забт этилиши лозим бўлган чўққига чиқиб бориш, янги марраларни эгаллашда худудлардаги шароитлар, ички ва фойдаланилмаган имкониятларни эътиборга олиш муҳим. Шу боис, ишлаб чиқилган прогнозларда ҳар бир худуднинг “ўсиш нуқталари”, фойдаланилмаган имкониятлари ва қўшимча манбаларини инноватта олишга алоҳида эътибор қаратилади.

Йўналишлар бўйича оладиган бўлса, жорий йилда деҳқончилик маҳсулотлари 262,8 триллион сўми, чорвачилик маҳсулотлари 275,9 триллион сўми ташкил этиши кўзда

тутилган. Асосий турдаги маҳсулотлар бўйича юқори марралар белгиланган. Жумладан, бу йил 11 миллион тонна доғли экин, 4,5 миллион тонна пахта, 14,7 миллион тонна сабзавот, 4,5 миллион тонна картошка, 3,5 миллион тонна полиз маҳсулотлари, 3,8 миллион тонна мева етиштириш режалаштирилган.

Бу кўрсаткичлар юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, ички бозорда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз ва барқарор таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини кенгайтиришга хизмат қилади.

Биринчи чорак — йил тақдирини ҳал қилувчи давр

Аграр соҳада йилнинг биринчи чораги шунчаки уч ой эмас. Бу давр бободоҳқонлар йилнинг қандай келишини табиғатдаги уйғонши жараёнлари ва турли ҳисоб-китоблар орқали аниқлаб, тадоригини кўрадиган, шунга қараб яхши ният билан ерга барака уруғи қадаладиган, ҳар бир қарич ерда меҳнат ва умид уйғулиги намоён бўладиган вақтидир. Шу боис, бу давр — бутун йил тақдирини белгилайдиган, режаларни амалиётга айлантирадиган, ғояларни ҳосилга айлантиришга тайёрлайдиган ҳал қилувчи bosқич.

Бу даврдаги ҳар бир фидойи ҳаракат, ҳар бир илгор технология ва ҳар бир фермернинг интилиши нафақат ҳосилдорлиқни ошириш, балки мамлакат фаровонлиги ва халқ ҳаётида барқарор тараққиёт учун мустаҳкам пойдевор яратишга хизмат қилади. Шу билан бирга, йилнинг биринчи чорагида самарасини яққол кўрсатади.

Шу сабабли жорий йилнинг биринчи чорагида 55,8 триллион сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш (хизматлари кўрсатиш) кўзда тутилган. Булар йиллик 6 фоизли ўсиш марраси сари дадил қадам бўлади.

Чорвачилик аҳолининг кундалик эҳтиёжини таъминлайдиган энг муҳим тармоқлардан. Бугун мажбур соҳада наслчиликни яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ва сановатлашган



фермерлиқни ривожлантириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар самара бермоқда. Айнан чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, туҳум) етиштиришдаги ўсиш аҳоли истеъмолидаги асосий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади.

Сабзавот ва мева етиштириш ҳажмининг ошиши эса баҳор ойларида бозорда маҳсулотлар танқислигининг олдини олади.

Бугун гўзачиликдаги ислохотлар пахтани хомашэ сифатида етиштиришдан тортиб, юқори қўшимча қийматли маҳсулотга айлантиришга гаҳ бўлган бутун замонавий қамраб олмақда. Интенсив усуллар, замонавий техника ва илмий ёндашувлар туфайли пахтачилик мутлақо янги bosқичга кўтарилмақда. Бу ўзгаришлар нафақат ҳосилдорлиқни ошириш, балки юртимизнинг жаҳон бозоридagi рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Ҳозир 888 минг гектар гўза майдонларида интенсив экиш схемаларини жорий этишга тайёрлик кўрилмақда. Шундан 500 минг гектарда юқори ҳосилли, шўр ва сувсизликка чидамли хорижий навлар экиш режалаштирилган.

Шунингдек, Шинжон тажрибаси асосида 300 минг гектарда чигит экиш ишлари ташкил этилмақда. Механизациялаш даражасини ошириш учун 800 та пахта териш машинаси, 450 та кўп функцияли севалка ва 2000 та бошқа агрегатлари харид қилиш ишлари бошланди.

Интенсив боғдорчилик — юқори қийматли маҳсулотлар манбан

30 минг гектар янги интенсив боғ ва тоқзор барпо этиш, 15 минг гектарини реконструкция қилиш режаси доирасида биринчи чорада ер танлаш, лойихалаш ва инфратузилма тайёрлиги ишлари бажарилди.

Резавор мевалар — малина, маймунжон, гулоубика ва қулупнай етиштириш майдонлари 1500 гектарга етказиш бўйича амалий қадамлар қўйилди. Зеро, бу маҳсулотлар экспортбиллиги ва юқори қиймати билан алоҳида аҳамиятга эга.

Рақамли технологиялар изчиллиги

Рақамлаштириш — бошқарув маданияти ва фикрлаш тарзи янгиланишидир. Сунъий интеллект, дронлар, электрон платформалар ва маълумотлар таҳлили орқали ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш имконияти кенгаймоқда. Энди ҳар бир қарор ҳиссиёт эмас, аниқ рақам ва таҳлилларга таянади. Бу эса халқларни камайитириш, самарадорлиқни ошириш, вақтни тежашга ёрдам беради. Шу маънода, рақамли қишлоқ хўжалиги бугунги кун воқеалигидир. У данин лабораторияга, фермерни эса замонавий менежерга айлантирмоқда.

Биринчи чорада “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ягона интеграция платформаси ишга туширилиши натижасида 100 дан ортиқ хизмат ва 30 дан зиёд ахборот тизими ягона нуқтада бирлаштирилади. Шу билан бирга, сунъий интеллект асосида маълумотларни таҳлил қилиш, ер ва сув ресурсларини бошқариш, экинларни оқилно жойлаштириш бўйича амалий ишлар бошланди.

Дрон хизматлари йўлга қўйилиб, 600 минг гектар майдонда агротехник тадбирларни дронлар орқали амалга оширишга замин яратилди. Бу эса вақт ва ресурс тежамкорлигини таъминлайди.

Белгиланган устувор вазифалардан кўзланган асосий мақсад ишлаб чиқариш суръати ва ҳосилдорлиқни ошириш ҳамда имкониятларини тўлиқ ишга солишдир. Бу нафақат янги ерларни ўзлаштириш ёки ҳажмини кўпайтириш, балки ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланиш, замонавий ёндашуш ва аниқ режа асосида иш юритиш демакдир.

Ҳозир ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, кўйин бўғинларда етиштириладиган

маҳсулот ҳажмини тўғри ва шаффоф акс эттириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Миллий статистика қўмитаси билан ҳамкорликда маълумотлар аниқлиги ва ишончлигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар бажарилмоқда. Чораклик вазифаларни вертикал бошқарув тизими асосида, масъул шахсларни аниқ бириктирган ҳолда амалга ошириш тизими йўлга қўйилди. Худудлардаги бухгалтерия марказларини қайта ўқитиш эса ҳисоб юритиш маданиятини янги bosқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Энг муҳими, аграр соҳада яширин иқтисодий бартараф этиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу орқали ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми, ресурслар ҳаракати ва даромадлар очик-ойдин кўринади. Жорий йилда мамлакатимизда аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатлаш олиш жараёнлари ўтказилиши эса соҳа учун янги имконият эшикларини очди. Бу нафақат ўсиш суръатини табиий таъминлаш, балки аниқ ва пухта ҳисоб-китоб асосида стратегик режалар тузишга мустаҳкам замин яратди.

Бир сўз билан айтганда, жорий йил учун белгиланган марралар халқ фаровонлигига қаратилган улкан дастурдир. 6 фоизли ўсишни таъминлаш йилни қишлоқ хўжалиги соҳасида туб бўрилиш даврига айлантиради. Бинобарин, бугун юртимиз далаларида фақат экин эмас, балки янги тафаккур, янги ёндашуш, янги давр кайфияти ҳукмрон. Энг муҳими, бу ислохотлар ортида инсон манфаати турибди. Ҳар бир шароит, ҳар бир янги имконият бу — фермернинг даромади, аҳолининг дастурхонидagi барака, ёшларнинг қишлоқда қолиб, замонавий шароитда меҳнат қилиши учун яратилган пойдевордир. Аграр соҳадаги ўзгаришлар қишлоқ қиёфасини, турмуш тарзини ва иқтисодий муҳитни тубдан янгилamoқда.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Аграр сектор

ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ВА “Ақлли” ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Аграр соҳани ҳар томонлама комплекс ривожлантириш барча давлат учун барқарорлик, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда узок муддатли иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан. Зеро, қишлоқ хўжалиги бевосита бандлик даражаси, ижтимоий барқарорлик, худудлар ривожига ва аҳолининг турмуш сифатига таъсир қўрсатади. Бундан ташқари, сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирадиган, уларни қайта ишлаш ва етказиб бериш жараёнини самарали йўлга қўйган мамлакатлар бугунги глобал рақобат шароитида қатор устунликларга эга бўлади.

Ўз навбатида, ривожланган аграр сектор маҳаллий озиқ-овқат бозорининг барқарорлигини таъминлайди ҳамда экспорт даромади ошишига хизмат қилади. Бу тармоқ иқтисодиётнинг кўплаб соҳалари ривожига катта туртки беради. Логистика, қайта ишлаш, савдо, машинасозлик, фан ва хизматлар каби йўналишлар шулар жумласидан. Пухта шакллантирилган аграр тизимга эга давлатлар иқтисодиётини ҳозирги глобал бекорорлик даврида юқори кўрсаткичларни қайд этмоқда.

Ўзбекистон аграр соҳани ривожлантириш учун табиий ва қулай иқлим шароити ҳамда юқори салоҳиятли кадрлар базасига эга. Турли экинлар учун мос худудлар асрлар давомида шаклланган деҳқончилик аъёнлари, қулай географик жойлашув ва экспортга талаб ўсиб бораётгани барқарор ривожланиш учун мустаҳкам асос яратди.

Ҳозир мамлакатимиз жаҳон тажрибасида ўзини оқлаган усулларга таянган ҳолда мажбур тармоқни тизимли ёндашувга асосан изчил ривожлантирмоқда.

Бундан 9 йил аввал Ўзбекистоннинг аграр секторида кўплаб жиддий муаммолар тўпалашиб қолган эди. Соҳада қатъий бошқарувнинг йўқлиги, бозор механизмлари жорий этилмагани, ихтисослашувнинг сустлиги, паст рентабеллик, эскирган ирригация инфратузилмаси ва сув ресурсларидан самарасиз фойдаланиш ҳолатлари қатор кийинчиликлар туғдиран, бу эса соҳанинг тобора оқсашига олиб келарди.

Инвестиция жалб этишдаги бюрократик тўсиқлар, замонавий технологияларни жорий этишдаги оқсоқликлар, фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги доимий алоқа ўрнатилмагани ҳам бор гап. Фермерлар маҳсулотини сотиш, қайта ишлаш ва ташқи бозорларга чиқаришда

жиддий чекловларга дуч келар, меҳнат унумдорлиги даражаси ҳам шунга мос равишда паст эди.

Президентимиз ташаббуси билан 2017 йилдан аграр секторда ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширила бошлади. Қишлоқ хўжалигини тубдан трансформация қилишга ҳужжатли раёни тўғрисида режалаштирилган чора-тадбирлар ва ишлаб чиқариш жараёни изчил либераллаштирилмоқда. Фермерларнинг мустақил хўжалик юритиш субъекти сифатидаги роли кучайтирилмоқда. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш жараёни диверсификация қилиниб, юқори даромадли ва экспортга йўналтирилган экинларга алоҳида урғу берилляпти.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг аграр соҳадаги кластер тизими пахтачилик, мевасабзавотчилик, галлачилик, чорвачилик ва қайта ишлаш йўналишларида самарали жорий

этидди. Кластер тизими даладан бозоргача бўлган ягона занжирни шакллантириб, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, логистика ва экспортнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш имконини беради.

Бундай ёндашуш бошқарув самарадорлигини ошириб, харажатларни қисқартирди. Муҳими, маҳсулот учун кафолатли бозорни таъминлади ва инвестицияларни жалб этиш, замонавий технологияларни жорий этиш жараёнига катта туртки берди.

Ҳозир янги ерларни ўзлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу жараён ишлаб чиқариш ресурслари кенгайиши, илгари фойдаланилмаган майдонлардан самарали фойдаланиш, худудларда янги иш ўринлари ва иқтисодий ўсиш нуқталарини очиш, қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини ошириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари худудларга таъриф довомида хўжаликлар ва корхоналар фаолияти билан шахсан танишляпти. Ислохотларнинг самараси таҳлил қилиниб, муаммолар аниқлашга ва пухта ўйланган қарорлар қабул қилиняпти.

Жорий йил 9 февраль кунини қишлоқ хўжалигида янги ерларни ўзлаштириш ва соҳада илм-фанни янги bosқичга олиб чиқиш бўйича бўлиб ўтган тақдирлар конференциясида давлатимиз раҳбари соҳада қилинаётган ишлар, аграр секторни ривожлантиришга қаратилган аниқ тақдирлар, хулоса ва лойихалар билан танишди.

Кайд этиш керакки, Президентимизнинг топиширига кўра, охириги беш йилда экин майдонларидаги туپроқ таҳлили ўтказилган. Ҳозир ана шу беш йиллик тадқиқот натижаси ҳақида Мамлакатимизда суғориладиган экин майдони 3 миллион 700 минг гектарни ташкил этади. Мазкур ер майдони ҳар бир контур, массив, туман, вилоят бўйича кўриб чиқилиб, калий, фосфор, гумус қатлами каби қатор озукалар билан таъминланганлик даражаси аниқланди. Сабоби шунга қараб деҳқончилик қилинади, экин турлари танланади ва ўғит билан озиқлантириш режалаштирилади.

Ирригация ва мелiorация тадбирлари натижасида сўнгги беш йилда 826,5 минг гектар ер қишлоқ хўжалигида фойдаланува киритилди. Шунинг 409 минг гектари суғориладиган ер ҳисобида, 418 минг гектари ер ости сувидан

фойдаланиш ҳамда кам сув талаб қиладиган экинларни жойлаштириш орқали ўзлаштирилди. 2030 йилгача яна 938 минг гектар яйловни ўзлаштириш ва холатини яхшилаш режалари тақдироти ўтказилди.

Тақдиротда биотехнология ва молекуляр биология, ген инженерияси ва гибрид уруғчилик, “ақли” қишлоқ хўжалиги, космик ва дрон технологиялари, ерлар деградацияси ҳамда соғлом туپроқ, органик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги, ветеринария, рақамли қишлоқ хўжалигини академик фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида белгилаш тақдир этилди.

Шунингдек, фермерлар ҳамда ходимлари фарзандининг тест синовларида тўплаган баллари қабул параметрларига етмаса, миқдори камайитрилган тўлов-контракт асосида университетга қабул қилиниши, еттига таълим йўналиши бўйича ўқиш давомийлигини 4 йилдан 3 йилга қисқартириш тақдир этилди. Талабаларга тракторчи-машинист гувоҳномасини бериш ва агродронлардан фойдаланишни ўргатиш йўлга қўйилди.

— Давлатимиз раҳбари Аграрсоноатни ривожлантириш агентлиги олдига қатор вазифаларни қўйган эди, — дейди агентлик директори Нурали Абдуллаев. — Асосий вазифаларимиздан бири республикаимизда боғдорчиликни ривожлантириш, тоғолди, қир-дирликларда боғлар барпо этиш ва боғбонларни молиявий қўллаб-қувватлашдан иборат. Тақдиротда ўтган йили агентлик бажарган ишлар сарҳисоб қилинди ҳамда жорий йилда режалаштирилган ишлар борасида ахборот берилди.

Хусусан, ҳар йили мамлакатимизга 60 миллион долларлик кўчат импорт қилинмоқда. Уларни Европа стандартлари асосида юртимизда тайёрлаш учун барча имконият мавжуд. Бу борада агентлик томонидан 200 дан ортиқ мева турларининг вирусдан холи, юқори ҳосилли оналик навлари коллекцияси яратилган. Уларни кўпайтириш ва барча худудга етказиб бериш мақсадида Бектемир туманида 50 гектар, Юқори Чирчиқ туманида эса 75 гектарлик “ин-витро” лабораториялари ва оналик кўчат-хоналаридан иборат мажмуалар ташкил этилмоқда. Президентимиз ўшбу мажмуаларни йил якунигача ишга тушириб, йиллик 27 миллион туپ кўчат тайёрлаш вазифасини қўйди.

Бир сўз билан айтганда, фан ва инновациялар ютуқларини, замонавий уруғлар, сув тежовчи технологиялар, рақамли ечимлар, аниқ деҳқончилик усулларини кенг жорий этиш натижадорлиқни таъминлаш ва энг муҳими, аграр секторнинг жаҳон бозорида рақобатбардош бўлишига хизмат қилмоқда.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

# ТЕЗ ҚАЙТАДИГАН

## ВА ЎЗИНИ ОҚЛАЙДИГАН

# ИНВЕСТИЦИЯ



**Зoir КЕНЖАЕВ,**  
физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

**Мамлакатимиз етакчиси Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида экологик мувозанатни таъминлаш, яшил энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни 2026 йилда амалга ошириладиган энг муҳим 6 та устувор йўналишдан бири сифатида белгилаб берди.**

Хавфсизлиги ва иқтисодий барқарорлик масаласи экани яққол кўринди. Ўзгаришлар суръати ошган давр сифатида 2023 йил алоҳида ажралиб туради. Чунки “яшил” энергетика сиёсати тажриба ва лойиҳа босқичидан давлат миқёсида жадаллаштириш босқичига ўтди. Президентимизнинг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

### Режадан ишлаб чиқаришга

Ўтган йили 5 декабрь куни янги энергетика қувватлари ва инфратузилма объектларини ишлаб чиқариш маросимида сўнгги йилларда энергетика тизимига 35 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этилгани, 9000 мегаваттга янги қувватлар ишлаб чиқарилиши таъкидланди. Шунингдек, электр ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилдаги 60 миллиард киловатт-соатдан 2025 йилда 85 миллиард киловатт-соат атрофида кўтарилгани қайд этилди.

Қисқаси, тизимда “қувват етмай қолиши” хавфини камайтирадиган янги манбалар кўпайди, энергия ишлаб чиқариш ҳажми ўсди, инфратузилмага инвестиция кириштириш кучайди. Ўтган йил якунига доир соҳавий лойиҳаларда 2025 йилда 42 та янги генерация лойиҳаси ишлаб чиқарилиши (жами 4647 мегаваттга), электр ишлаб чиқариш ҳажми 86,7 миллиард киловатт-соатга етгани, шундан 16,8 миллиард киловатт-соати қайта тикланувчи манбалар ҳиссасига тўғри келгани қайд этилган. Қуёш ва шамолдан электр энергияси оlish ҳажми 10,5 миллиард киловатт-соатга етган.

Бу нимани аниқлади? Яшил энергия фақат режа бўлиб қолмайди, ақсиз, миллий статистикада кўринадиган реал ишлаб чиқаришга айланмоқда. Қайта тикланувчи энергия ҳисобидан 3,2 миллиард куб метр газ тежаланиши ва 4,7 миллион тонна зарарли ташланмадан олди олиниши фикримиз тасдиқланди.

Бу ерда энг муҳим хулоса шунки, яшил энергия экологик билан бирга иқтисодий босимни ҳам юмшатади. Газ ресурси тежаллади. Демак, у бошқа энергия эҳтиёжларига йўналтирилиши мумкин.

Бугунги босқичда станция ва генерация кўпайди. Барчаси шу билан тугади дейиш мумкин эмас. Аслида, трансформация фақат генерация билан яқунланмайди. Тармоқ, диспетчерлик, ҳисоб, йўқотишларни камайтириш каби йўналишлар параллел мустақамлаштириш зарур.

Бу ўринда “тарқатилган генерация” (уй, корхона, иктимой объектлар) йирик станцияларини тўлдирадиган иккинчи қатлам эканини алоҳида таъкидлаш керак. Тарқатилган генерация тармоқдаги юкларни енгиллаштиришга ёрдам бериши мумкин, айниқса, тизимда энергия харажати қисқариши мумкин.



муаммоларини камайтириши мумкин. Бирок у ҳам тартиб-қонда, техник маданият, ҳисоб ва мониторингини талаб қилади.

### ESS — “нотекис” ни текислайди

Энергия сақлаш тизимлари — ESS (Energy Storage System) кўпчиликка “қатта аккумулятор” бўлиб кўрилади. Аслида, вазифаси бундан кенгроқ: у электр тизимидаги учта энг долзарб муаммони юмшатади: узиллишларда захира бўлиши, тизим соатлардаги юкларни пасайтириш ва қуёш-шамол каби ўзгаришчан манбаларни тармоққа барқарор қилиш.

Бунинг олдидан, узиллишлар ишлаб чиқариши тўғрисида кўп қисмида энергия харажати қисқариши мумкин.

Учинчидан, узоқ узиллишларда минимал ҳаётий эҳтиёжлар — ёришти, интернет, музлаткич, сув насоси ишлаши каби юкларини ушлаб туради.

ESS ҳамма жойга бир хил қўйиладиган қурилма эмас. Унинг ўзини оқлаши одатда узиллишлар нечоғлиқ тез-тез бўлиши ва келтирадиган иқтисодий зарар, тизимдаги юклар ва энергия нархи босими, тизимда қуёш/шамол улуши қанчалик юқори экани каби омилларга боғлиқ.

Шунинг учун эртанги босқичда асосий вазифа кўп ўрнатилган эмас, балки ESSни тўғри жойда, тўғри қувватда ва тўғри бошқарув билан жорий этишдир. Бу ёндашув ESSни шунчаки техника эмас, балки яшил энергиянинг барқарор ишлашини таъминлайдиган тизимли ечимга айлантиради.

Эртанги куннинг иккинчи таянчи — энергия самардорлиги. Бу ғоя жуда оддий: электрнинг фақат қўйиштириш билан муаммони енгил бўлмайдиган. Аввал уни беҳуда сарфлашни камайтириш керак. Шунинг учун ҳам энергетикада кўп ишлаб чиқариладиган ибора бор: “энг арзон мегаватт — тежалган мегаватт”.

Шу маънода, 2025-2027 йилларда энергия сарфи юқори бўлган субъектлар кесимида тежамкорлик чораларини жадаллаштириш режалари эълон қилинган ҳам “яшил иқтисодиёт” фақат станция ва мегаваттлар эмас, балки тежамкорлик маданияти эканини аниқлади.

Энергия самардорлиги кўпчилик катта қурилиш ёки катта харажат талаб қилмайди. Масалан, кўп жойда энергия “қозонда эмас”, девор ва томда йўқолади. Иссиқлик изоляцияси, дераза-эшикларнинг зичлиги, том қисми —

булар тўғрисида, қишда иситиш, ёзда совитиш учун кетадиган энергия сезиларли камаювчи.

Эски двигател, насос, компрессор ёки ёришти тизими кўпчилик керагидан ортиқ электр “ейди”. Бу ерда ечим оддий: энергия тежамкор моторлар, тўғри танланган насос-компрессор, LED ёришти, автоматик бошқарув каби янгилашлар “тез қайтадиган” инвестиция бўлиши мумкин.

Баъзан техникани алмаштирмасам ҳам натижа чиқади: мониторинг (ҳисоб ва таҳлил), иш режимини тўғри солаш, ортиқча ишлаётган ускунани ўчириб қўйиш, юкларни тизим соатлардан бошқа вақтларга кўчириш — булар энергияни сезиларли тежайди. Энг муҳими, бу йўналиш одатда энг арзон, лекин энг тез таъсир қиладиган чорадир.

Энергия самардорлиги майда тежамкорлик эмас, балки катта тизимнинг пайдоеври. Агар бир мамлакат энергияни оқилона ишлатишни ўргана, у нафақат электр етишмовчилиги хавфини камайтиради, балки саноат учун барқарор шартин яратди, аҳоли харажатини қисқартиради ва яшил энергия самардорлигини ҳам оширади. Шунинг учун эртанги куннинг энг тўғри йўли — аввал тежамкорлик, кейин қувват.

Учинчи таянч: “Zero-carbon уй”. Бу ибора баъзан одамларга қиммат тренддек туюлади. Аслида, бу дабдаба эмас, энергия тежамкорлик ва мустақилликни босқичма-босқич ошириш ғоясидир. Уни “иссиқлик изоляцияси + иссиқлик насоси + қуёш электр тизими + ESS + мониторинг” каби оддий формулага жамлаш мумкин.

Мухим жиҳати шундаки, “zero-carbon” дегани бир кунда ҳаммасини сотиб олиш дегани эмас. Бу — уй ҳўжалиги учун ҳам, иқтисод учун ҳам энг тўғри ёндашув: аввал ортиқча энергия йўқотишни камайтириш, кейин самардорлигини, сўнг ўз энергиясини ишлаб чиқариш ва бошқариш — учта қадамдан иборат.

Энг биринчи ва энг арзон қадам — иссиқлик йўқотилмаган жойларни ёпиш. Том, девор, пол изоляциясини, дераза-эшикларнинг зичлигини камайтириш бартараф этиш — булар қишда иситишга, ёзда совитишга кетадиган энергияни сезиларли камайтиради.

Кейинги қадам — иситиш тизимини энергия тежамкор қилиш. Бу ерда иссиқлик насослари алоҳида ўрин тутаяди: тўғри танланган ва тўғри ўрнатилган иссиқлик насоси бир хил иссиқликни камроқ энергия билан таъминлаши мумкин. Қишда юклар ошадиган шартда бу нафақат хонадон харажати, балки тармоқдаги тизим пайт босимини ҳам юмшатади. Тизимни оптимallasштириш (созлаш, автоматик режим) ҳам шу босқичга кирилади.

Учинчи босқичда уй фақат истеъмолчи эмас, қисман ишлаб чиқарувчига айланади. Қуёш электр тизими кундузи энергия беради, ESS эса кечкурунги эҳтиёжини қўшмича таъминлайди ва узиллишларда захира бўлиб туради. Мониторинг эса энергия сарфини онгли бошқаришда жуда муҳим.

Шундай қилиб, “zero-carbon уй” тежамкорликдан бошланади, самарали иситишга ўтади, сўнг ўз энергиясини ишлаб чиқариш ва сақлаш билан яқунланади. Энг муҳими, бу ёндашув қиммат технологиядан кўра кўпроқ тўғри кетма-кетлик ва техник маданият масаласидир.

Келажакни чуқур таҳлил қилишда битта но-зик нуқта бор — технология тез кириб келса, сифат ва хавфсизлик орта қолса, янгиликнинг оҳорига ҳам путур етиши мумкин. Яшил энергия тизимлари “ўрнатиб қўйиладиган” оддий буюм эмас. Бунинг учун лойиҳа, тўғри ўрнатилар ва мониторинг талаб қилинади. Шу сабаб “тизим” деганда фақат станция эмас, бутун экотизим тушунилади.

### Янги энергетик тафаккур

Трансформация технология билан бошланади, аммо кадрлар билан барқарорлашади. Олий ва профессионал таълимда қайта тикланувчи энергия бўйича кадрлар тайёрлашга эътибор кучайгани, таълим — ишлаб чиқариш интеграциясини мустақамлаш бўйича ҳуқуқий асослар янгилашгани бу йўналишда сифатли ўсishга хизмат қилади.

Амалий шун кўрсатадики, энг кўп натижа берадиган омиллар — тўғри лойиҳалаш, монтаж маданияти, химоя ва ерга улаш, сервис, мониторинг, реал истеъмол профилига таянган ҳисоб-китобдир. Эртанги кун фақат яшил энергия ускуналари эмас, балки шу соҳадagi малакали мутахассислар биландир.

Шу ўринда “яшил энергия” бўйича стартаплар ва амалий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда амалийлаштиришга уруғ берилаётгани бежиз эмас. Энергетикага инвестиция оқими жалб этилаётгани, йирик лойиҳалар йўлга қўйи-лаётгани, ESS тизимларининг пайдо бўлиши ва тармоқ инфратузилмаси билан боғлиқ ишлар Ўзбекистоннинг минтақадаги ролини кучайтириши, ички барқарорликни мустақамлаш ва минтақавий рақобатбардошликни ошириши мумкин.

Бу жараён саноатнинг барқарор ишлаши учун энергия чекловини камайтиради. Энергия барқарорлиги ва тизимнинг прогноз қилиниши ташқи инвестиция оқимини оширади. Яшил энергетика, ESS ва энергия самардорлиги айнан шу прогноз қилинадиган барқарорликни кучайтиради.

Бугун Ўзбекистон яшил энергетикада тўғри йўлни танлаганини 2023 йилдан бошланган сўй-ҳаракатлар, 2025 йилга давлат дастури, йирик инвестициялар, ишлаб чиқаришдан қувватлар ва қайта тикланувчи энергиянинг реал статистикага кириб келгани тасдиқлайди.

Лекин эртанги босқичнинг муваффақияти уч омилга боғлиқ бўлиб қолади: сифат таълим (стандарт, химоя, сервис), кадрлар (таълим — амалиёт интеграцияси), бошқарув (мониторинг, энергия самардорлиги, ESS). Шу шартлар уйғун ишласа, “яшил энергия ўзини оқлатгани” деган саволга оддий ва профессионал жавоб бундай бўлади: ҳа, оқлапти. Чунки у алоҳида қурилма эмас. Бу янги энергетик тафаккур: тежамкорлик, техник маданият, шаффоф ҳисоб, ақлли бошқарув ва малакага таянган ёндашувдир.

Ўзбекистон “яшил энергия” орқали фақат электр ишлаб чиқариши эмас, балки келажак авлодлар учун барқарор иқтисодиёт, энергия мустақиллиги ва замонавий тараққиёт пойдеворини яратмоқда.

**Инсониятнинг атроф-муҳитга таъсири сабабли экологик таҳдид дунё бўйлаб кучайиб бормоқда. Бу табиий муҳитнинг бузилиши, иқлим ўзгариши, инсон ҳаёти ва саломатлиги, экотизим барқарорлигига хавф солувчи омиллар, биохилма-хилликнинг йўқолиб бориши кўринишда намойён бўлаёттир.**

# ЭКОЛОГИК ТАҲДИДЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

## устувор вазифа бўлиб қолаверади

Шу бос, юртимиз табиатда юз бераётган салбий ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаб, уларни имкон қадар бартараф этиш ва юмшатиш, бу борада аҳоли хабардорлигини ошириш бўйича кўп қўлмали ишлар қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 3 январдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Амударё тумани экология ва иқлим ўзгариши бўлими атмосфердаги салбий ўзгаришларнинг олдини олиш учун муайян ишларни бажармоқда.



аҳоли билан ҳамкорликда олиб борилаётгани ҳам ижобий натижа бермоқда. Айниқса, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия тизими вакиллари, Экология партиясининг Амударё тумани кенгаши ҳамкорлигида 2025 йилнинг баҳор

Экологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган сўй-ҳаракатларда туман аҳолиси, айниқса, ёшлар фаол иштирок этмоқда. Табиий ресурсларни тежаш, атроф-муҳит тозалигига эътиборли бўлиш, хонадонларни ёриштиш ва иситишда энергия тежамкор ускуналардан фойдаланиш, кенг қўлмали кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш тадбирларини ўтказиш бугун ҳар бир амударёликнинг долзарб вазифасига айланган. Чўлланиш ва сувсизликка қарши қўрилаган чора-тадбирлар туманда фаолият юритувчи қишлоқ ҳўжалиги корхоналари, фермер ва деҳқон ҳўжаликларининг томчилатиб сугориш технологияларидан самарали фойдаланишига имкон бермоқда.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, 1 тонна бугдой етиштириш учун 1,5 тонна, 1 тонна шолчи учун 4-5 тонна, 1 тонна пахта ҳосили олиш учун эса 10 минг тонна сув сарфланадиган экан. Гидросферанинг 2,5 фоизи чуқур сувдан иборат эканини инобатга олсак, глобал дунёда, жумладан, мамлакатимизда ҳам экология билан боғлиқ муаммоларни ечиш, сувсизликка қарши қатъий чоралар кўриш ҳамда бу

борада қатъият ва тежамкорлик билан ишлаш нафақат давлатнинг, балки ҳар бир фуқаронинг зиммасига улкан масъулият юклайди. Шундай экан, яшил энергия манбаларидан фойдаланишни аниқлашга йўналтириш, томчилатиб сугориш технологияларини фаолиятимизга кенг жорий этиш, бог-роғлар, яшил масканларни кўпайтириш, ер ости сувларидан ўта эҳтиёткорлик билан фойдаланиш орқали экологик таҳдидларнинг олдини олиш устувор вазифа бўлиб қолаверади.

**Минажанди ҚУТЛИМУРАТОВ,**  
“Яшил Ўзбекистон” муҳбири

**“Яшил макон”**

**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**



Таассурот

Инсоният тамаддуни бешикларидан бўлган икки дарё оралиги — Мовароуннахр ҳамда Нил водийси ўртасидаги алоқалар тамал тошини қўйиш ва мустахкамлашда нафақат савдо қарвонлари, балки илм-фан, адабиёт ҳам муҳим ўрин тутган. Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди ташаббуси билан жорий йил 11-14 февраль кунлари Миср Араб Республикасига уюштирилган илмий экспедиция ҳам ушбу азалий дўстликни юқори босқичга олиб чиқиш йўлида навбатдаги кадам бўлди.

НИЛ ВА АМУДАРЁ ТУТАШГАНДА...



Олимжон ДАВЛАТОВ, Алишер Навоий номидаги Халқаро жамоат фонди ижрочи директори

Бугунги тарихий алоқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси юридаётган оқилона сиёсат тўғрисида сўзлашганда янги босқичга кўтарилди. Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишончга асосланган мулоқоти иқтисодий, сиёсий ва маданий-гуманитар соҳаларда кенг имкониятлар эшигини очмоқда.

Сафар давомида Мисрда Ўзбекистонга қизиқтириш ниятида юқори эканига гувоҳ бўлди. Икки давлатнинг тарихий тақдир, диний қадриятлари ва маданий илдизлари ўзаро жуда яқин. Бу мустақам пойдевор устида келажакнинг улғувор биноларини қуриш мумкин.

Буюк мутафаккир, туркий дунёнинг беназир сиймоси Алишер Навоий асарларида Миср тимсоли кўп учрайди. Шоир учун Миср ўлкаси шунчаки жуғрофий макон эмас, балки адолат, гўзаллик ва маънавий юксалиш рамзидир. Шу ўринда Хазрат Навоийнинг мана бу байтини эслаш жоиз:

Мисри иззат истабон зиндони гамдин қомакким, Моҳи Канъон эжоҳига боис мазаллат хоҳидур. Бу ерда Навоий Юсуф алайҳиссалом ҳаётидаги энг муҳим лаҳзаларга ишора

этиш орқали бутун бошли қисса ҳикмати-ни икки сатрга сингдирмоқнинг уйдасидан чиққан.

“Мисри иззат” иззат ва шараф мамлақати бўлмиш Мисрди. Юсуф алайҳиссалом Мисрда азизлик (вазирлик) қилган эди. “Зиндоним гам” — гам зиндони. “Моҳи Канъон” — Канъон ойи, яъни Юсуф алайҳиссалом демек. “Мазаллат хоҳи” эса хорлик чоҳи (қудуги) деган маънони англатади.

Донишманд шоир айтмоқчи бўлган мухтасар маъно бундир: агар сен Миср каби улғур макон-манзилда иззат тожини қиймоқ истасанг, гам зиндондан, машаққатга учу-батлардан минбаъд қочма! Зеро, Канъон ойи бўлмиш Юсуфнинг юксак мартабга эришмоғига айнан ўша хорлик ва азоб қудуги (чоҳи) сабаб бўлган эди.

Тасаввифий маънога эга бу байт инсонни сабр-тоқатга, эзгу мақсад-маслак йўлидаги қийинчиликлардан асло қўрқмасликка ундайди. Миср заминига саёҳат асносида бу ўлкани ана шундай юксалиш ва камолот тимсоли сифатида кашф этдик, Хазрат Навоийнинг байтлари ҳам барҳаёт эканига яна бир қарра инондик.

Экспедициянинг энг муҳим воқеаларидан бири Қоҳира университетига таширф бўлди. Муҳташам дорилфундулдаги учрашув араб ва ўзбек олимларининг дийдорлашуви, чинакам илм байрамига айланб кетди. Муҳокамалар давомида чўнг бир ҳақиқат бот-бот таъкидланди: бизнинг тарихимиз умумий, бинобарин, келажакимиз ҳам муштарак бўлмоғи лозим.

Араб олимлари Марказий Осиёдан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом

Термизий, Аҳмад Фароний, Муҳаммад Хоразмий каби даҳоларнинг ислом тамаддунига, дунё илм-фанига қўшган ҳиссасини юксак қадрлайди. Қоҳирадаги учрашувларда Алишер Навоий меросини теран ўрганиш орқали икки халқ ўртасидаги адабий алоқаларни янада кучайтириш зарурлиги ҳам қайд этилди. Бу борада олимлар олдидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Сафар асносида Қоҳира университети ва Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди ўртасида меморандум имзоланган келишилганини муҳим воқеа дейиш мумкин. Зеро, ушбу ҳужжат талаба ва тадқиқотчиларнинг икки давлатда таълим олишини йўлга қўйиш имконини беради. Қолаверса, араб ва ўзбек адабиётининг энг сара намуналарини икки тилга таржима қилиш ва нашр этишда уфқлар очади.

Қоҳира университети кутубхона фондида 15 минг нусхадан зиёд туркий тилдаги қўлёзмалар сақланмоқда. Ушбу ноҳир қўлёзмаларни тизимли ўрганиш, уларнинг каталогини яратиш ва илмий муомалага киритиш борасида ҳам ҳамкорлик қилишга келишилди. Ўзбекистонлик олимлар учун Қоҳира маънавий хазинаси дарвоқасининг очилиши туркийшунослик ва навоийшунослик фанида улкан янгиликларга замин ҳозирлайди.

Мисрда Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва маданияти хонасини, Ўзбекистонда эса Миср маданияти хонасини очиш гоёяси ҳам ҳар икки томонга маълум келди. Замонавий технологиялар асрида қўлёзмаларни асл ҳолида сақлаш билан бирга

рақамли форматга ўтказиш ҳаётий заруратга айланмоқда. Бу жиҳатдан маданий мерос намуналарини тиклаш ҳамда рақамлаштиришга ихтисослашган “Илм” муассасаси раҳбари Абдуллотий Муҳий Аҳмад аш-Шарқовий билан бўлган мулоқот самарали кечди. Келишувга кўра, Мисрдаги Алишер Навоий ва бошқа Марказий Осиё мутафаккирлари қаламига мансуб қўлёзмаларни юқори сифатда рақамлаштириш ва уларнинг тарихотини йўлга қўйиш бўйича қўшма лойиҳалар амалга оширилади. Бу нафақат олимлар, балки кенг жамоатчиликка ҳам ноҳир асарлар билан танишиш имконини беради.

Миср ва Ўзбекистон жуғрофий жиҳатдан олдида жойлашган бўлса-да, икки ўлкани боғловчи ришталар мустақамдир. Жумладан, бу кўҳна заминда ўзбек халқининг ифтихори бўлган аждодларимизнинг ўчмас излари бор. Ана шундай тарихий сиймолардан бири — Қоҳирадаги энг қадимги ва улғувор жомелардан бўлган Аҳмад бин Тулун масжидини барпо эттирган ватандошимиздир. Муаррихларнинг қайд этишича, Аҳмад бин Тулун асли бухоролик бўлиб, унинг буюртмасига асосан муаззам масжид барпо этилган. Қурилиш ва муҳандислик ишларида яна бир ватандошимиз, буюк аллома Аҳмад Фаронийнинг чизмалари, ҳисоб-китобларидан фойдаланилган. Бу обидани зиёрат қилар эканмиз, қалбимизда гурур, ифтихор туйғулари жўш урди.

IX асрда Фароний томонидан машҳур нилометр — миқёс нил қурилмаси ўрнатилгани маълум. У тўрт ёнли қудуқ кўринишида бўлиб, дарё билан учта ер ости сув йўли орқали туташган. Мутахассислар ҳозирга қадар сув сатҳини ўлчаш бўйича нилометр даражасида пишиқ-пухта ускуна ясалмаганини айтади. Аждодларимиз ақл-заковатининг Нил соҳиларидаги тошлардаги изи бўлмиш ушбу ихтиро икки давлат илмий алоқаларининг ёрқин тимсоли, ўзаро дўстлигининг рамзи ҳамдир.

Ҳозир Ўзбекистон ва Миср етакчилари дўстона сиёсат юритаётир. Дўстлик алоқаларини янада мустақамлаш, меҳр-муҳаббат, маърифат нурулари билан тўлдириш эса биз — олимлар, ижодкорлар ва зиёлиларнинг бурчи. Илмий-амалий сафарлар, олимлар, ижодкорлар ўртасидаги алмасувлар алоқаларни янада мустақамлашга хизмат қилмоғи шубҳасиз. Зотан, аждодларимиз қолдирган бир меросни нафақат ўрганиш, балки уни келажак авлодларга муносиб тарзда етказмоқ ҳам даркор.



Йўлчиروق



Фарғоналик Мумтоза Рўзиматованинг орзуси бир олам: яхши касб-хунар эгаллаб, оиласи, эл-юртга хизмат қилиш. Ёрур максадлар рўёби учун юртимизда шароит ва имкониятлар етарли. Шу боис, мактабни тамомлагандан сўнг тегишли ҳужжатларини яташ манзилга яқин бўлган Фарғона шаҳридаги 4-техникумга топширди. Қиз бу қарорга бежиз келмади, албатта.

ИМКОНИЯТЛАР КАСБ ЭГАЛЛАШГА УНДАМОҚДА

Мазкур техникумдаги таълим жараёни Буюк Британиянинг нуфузли Reason компанияси билан ҳамкорликда олиб борилади. Дунёда танилган бу компания кенг қамровли, меҳнат бозорида ўз мавқега эга. Ўқувчиларга қўшма дастур асосида сифатли ва замонавий таълим олиш билан бирга хорижда ишлаш имконини беради. Бу жараён ёшларнинг ўқишга иштиёқини янада оширмоқда. Халқаро таълим дастурига мувофиқ, техникумга ўқиш ва ўқитиш учун илгор технологиялар, замонавий жиҳозлар олиб келинди, электрон ва рақамлашган дастурлар ишга туширилди. Дарс жараёни овозли, тасвирли, ўйинли воситалар орқали ўзига хос ва қизиқарли ўтила болади.

Компьютер графикаси ва дизайн оператори йўналишида таҳсил олаётган, — дейди Мумтоза. — Бу ерда муайян касбни эгаллаш билан бир вақтда хориждаги нуфузли олийгоҳларда таълим олиш ёки компанияларда ишлаш имконияти мавжуд. Дарслар тўлиқ инглиз тилида ўтилади. Бу эса чет элнинг ўзлаштириш орқали мукамал таълим олиш ҳамда ишлаш учун замин яратмоқда. Бизга берилган диплом 70 давлатда тан олинади. Техникумни битиргач, Англияда ишлаш билан бирга нуфузли олий таълим муассасаларида ўқиш, мамлакатимиз тарққитидаги ҳисса қўшмоқчиман.

Ҳамкорлик дастури доирасида ёшлар металга ишлов бериш, пайвандлаш, электр монтерлик, компьютер дизайни йўналишида таҳсил олиб, замонавий касбларни эгаллаётти. Ўқув жараёнида назарий билимлар билан бирга ишлаб чиқаришга доир амалий кўникмаларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Ҳамкорлик

талабини қондириш имконини беради. Янги ўқув йилида бу борада касб-хунар ўрганиш истагидаги ёшлар сафини икки ҳисса оширишни максад қилганмиз. Машгулотлар доирасида немис тилидан ташқари, инглиз, рус тилларида ҳам маълумот бериб борилади.

Маргилон архитектура ва коммунал хўжалиги техникумида Германиянинг Askania Building компанияси билан ҳамкорликда оғибор логистикаси, бино-иншоотлар қурувчиси, қурилиш монтери йўналишлари бўйича 250 йити-қиға касб-хунар ўргатилмоқда. Ўқитиборлиси, хорижий ҳамкорлар билан ишлаш таълим сифатида ижобий таъсир кўрсатмоқда. Қўшма дастур орқали ўқувчилар немис тилини мукамал ўрганиб, халқаро стандартларга мос мутахассис бўлиб етишади. Техникумни муваффақиятли битирганлар Германиядаги иш бевувилар олдидан тавсия этган корхоналарда ишлаш имкониятига эга. Келгусида халқаро ҳамкорлик дастури доирасида яна беш касб-хунар бўйича малакали мутахассислар тайёрланади.

Соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича касбий таълимга ҳам халқаро тажриба жорий этилди. Ҳозир Фарғона ва Маргилон шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумларида Швейцариянинг Globogate Concept AG компанияси Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги тиббиёт соҳасида таълим ва карьера имкониятларини боғловчи йирик халқаро дастури амалга оширишни максад қилган. Лойиҳа Германияда малака ошириш ҳамда ишлаш имконини беради. Талабгорлар учун ўқувлар бепул ташкил қилинган. Барча харажатни компания қоплайди. Ҳар бир гуруҳга 20-25 нафаргача талабгор қабул қилинади.



2026/2027 ўқув йилида ҳам давом эттирилиб, яна 150 ёшни қамраб олиш кўзда тутилган.

— Бу ерда имтиҳон асосида қабул қилинганми, — дейди техникум ўқувчиси Шохжаҳон Яхёев. — Ўқишга киритганимда тил билиш даражам жуда паст эди, ҳозир анча юқорилди. Нафақат устозлар, балки чет тилида эркин сўзлашадиган тенгуларим билан мулоқот ҳам бунда катта ёрдам беряпти. Бу интилишим хорижда бўлган давримизда инглиз тилида бемалол гаплашиш, қилар-мулоқазаларини билдириш жараёнида қўл фенгшига ишонман.

Яқин вақтгача ёшлар касб-хунар мактаблари, коллежларга истаб-иствамай, давомат учунгина борарди. Бунга таълим тизими ва ўқув жиҳозларининг маънан эскиргани, ўқув муассасасини битиргач, ишга жойлашишда юзага келадиган оғир-ағир ҳаёт шартлари билан мулоқот ҳам бунда катта ёрдам беряпти. Бу интилишим хорижда бўлган давримизда инглиз тилида бемалол гаплашиш, қилар-мулоқазаларини билдириш жараёнида қўл фенгшига ишонман.

Яқин вақтгача ёшлар касб-хунар мактаблари, коллежларга истаб-иствамай, давомат учунгина борарди. Бунга таълим тизими ва ўқув жиҳозларининг маънан эскиргани, ўқув муассасасини битиргач, ишга жойлашишда юзага келадиган оғир-ағир ҳаёт шартлари билан мулоқот ҳам бунда катта ёрдам беряпти. Бу интилишим хорижда бўлган давримизда инглиз тилида бемалол гаплашиш, қилар-мулоқазаларини билдириш жараёнида қўл фенгшига ишонман.

Яқин вақтгача ёшлар касб-хунар мактаблари, коллежларга истаб-иствамай, давомат учунгина борарди. Бунга таълим тизими ва ўқув жиҳозларининг маънан эскиргани, ўқув муассасасини битиргач, ишга жойлашишда юзага келадиган оғир-ағир ҳаёт шартлари билан мулоқот ҳам бунда катта ёрдам беряпти. Бу интилишим хорижда бўлган давримизда инглиз тилида бемалол гаплашиш, қилар-мулоқазаларини билдириш жараёнида қўл фенгшига ишонман.

Ўқув жараёни 8-10 ой давом этади. Тил ўрганиб, халқаро сертификатни қўлга киритганлар Германияга ишга юборилади.

— Президентимизнинг 2025 йил 23 октябрдаги “Касбий таълим тизимида бошқарув самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Касбий таълим тизимида ислохотларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳада мулқола янги босқични бошлаб берди, — дейди Фарғона вилояти касбий таълим бошқармаси бошлиғи Тўйчибой Байматов. — Мазкур ҳужжатлар касбий таълимни замон талаблари, халқаро стандартлар ва меҳнат бозори эҳтиёжларига ўйналантиришга қаратилган. Айниқса, хорижий ҳамкорлар билан қўшма таълим дастури асосида кадрлар тайёрлаш, ёшларни талаб юқори бўлган касб ва мутахассисликлар бўйича ўқитиш, шунингдек, чет эллик иш бевувилар эҳтиёжидан келиб чиқиб касбий йўналишларни шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар эътиборга молик. Жорий ўқув йилида вилоятимиздаги 63 техникум Германия, Швейцария, Хитой, Жанубий Корея, Буюк Британия таълим ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйди ва уларнинг энг илгор касбий таълим дастури асосида илмий таълим олиш ёшлар нафақат маҳаллий, балки ташқи меҳнат бозори учун ҳам рақобатбардор, малакали мутахассислар бўлиб етишмоқда. Келгуси ўқув йилида қўшма таълим дастури асосида таълим олаётган ёшлар сафини икки ҳисса ошириш кўзда тутилган. Бунда устоз ва мураббийларнинг нуфузли хорижий компания ва касб-хунар ташкилотларида малакаси ҳамда маҳоратини ошириш билан боғлиқ истиқболли дастурлар амалга оширилади.

Касбий таълим сифати ва самардорлигини ошириш йўлидаги ислохотлар тизимга янги нафас олиб кирди. Энди нуфузли хориж компаниялари мамлакатимиз ёшларининг билими ва иштиёқи, интилиши ҳамда меҳнатқашлик хислатларини инобатга олиб, янги хунар ва иш ўринларига тақлиф қилмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири Шероод ҚОРАБОЕВ олан суратлар.

ЯХШИЛИКНИНГ ОДДИЙ СУРАТИ

Азалдан бегараз донорлик инсон ҳаётини сақлаб қолишга қаратилган энг олижаноб ва инсоний амаллардан. Айниқса, мураккаб трансплантация амалиёти ўтказиладиган, онкологик ва гематологик касалликларга чалинган, шунингдек, бахтсиз ҳодисалар оқибатида оғир тан жароҳати олган беморлар учун қон энг зарур воситага айланадиган ҳолатлар кўп учрайди.



Дахлдорлик

Шу боис, кейинги йилларда юртимизда бегараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш, қон хизмати муассасаларининг моддий-техник базасини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир юртимизда марказий қон қуйиш маркази, Тўшкент шаҳри “Қон препаратлари” илмий-ишлаб чиқариш корхонаси, 13 та худудий ва 2 та республика тасарруфидоги қон қуйиш станцияси ҳамда 13 та қон қуйиш бўлими фаолият юритиб келади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига кўра, ҳар 1000 кишига 30 нафар донор тўғри келиши лозим бўлса, юртимизда бу кўрсаткич ҳозирча 10 нафарни ташкил этмоқда. Мамлакатда 2023 йилда 130,6 тонна, 2024 йилда 148 тонна ва 2025 йилда 153 тонна сифатли қон тайёрланди. Кўрсаткичи янада ошириш мақсадида худудларда махсус жиҳозланган 13 та “Isuzu” кўчма донорлик автобуси фаолияти йўлга қўйилган.

Сурхондарё вилояти қон қуйиш станциясида бутун донорлар учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Муассаса замонавий тиббий ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган. Аввал фақат пойтахтда амалга оширилган қонни қайта ишлаш, сақлаш

этайтган фидойи фуқародир. Донор бўлиш учун алоҳида касб ёки маком талаб этилмайди. Соғлом бўлган ҳар бир инсон бундай эзгу ишга иштирок этиши мумкин. Бу жамиятда бегараз донорлик маданиятини ривожлантириш, инсон ҳаётини асраш ва аҳоли ўртасида меҳр-оқибат руҳини мустақамлашга хизмат қилади.

Сурхондарё вилояти қон қуйиш станциясида донор биринчи марта қон топширишдан аввал тиббий кўриқдан ўтди. Паспорт маълумотлари рўйхатга олинди. Қон босими, тана ҳарорати, гемоглобин миқдори текширилди ҳамда умумий саломатлик ҳолати баҳоланади, — дейди станция шифокори Салоҳиддин Қаландаров. — Шундан сўнг донор соғлом деб топилса, қон топшириш жараёнига рухсат берилади. Қон стерил шароитда, махсус жиҳозлар ёрдамида олинади ва бу жараён ўртача 10-15 дақиқа давом этади. Қон топширигандан кейин донор дам олади, ширин

ичимлик ёки энгил таом билан таъминланади ҳамда шифокорлар тавсиялар беради. Бунинг барчаси донорнинг соғлигини асраш ва жараёни хавфсиз ўтказишга хизмат қилади.

Сурхондарё вилояти қон қуйиш станциясида кўчма донорлик автобуслари ташкил этилган. Унинг асосий афзаллиги аҳолига максимал қулайлик яратиш ва донорлик хизматини жойига бориб кўрсатишдир. Шунингдек, юртимизда донорлар сонини ошириш мақсадида кўчма донорлик комплекслари фаол йўлга қўйилмоқда. Махсус жиҳозланган “Isuzu” автобуслари орқали қон топшириш жараёни иш жойлари, таълим муассасалари, маҳаллалар ва харбий қисмлар ҳудудидида ташкил этилмоқда. Бу эса донорлар сонининг сезиларли ўсшига хизмат қилаёттир.

Мамлакат бўйлаб “Мен — донорман!”, “Бор меҳрим сенга, болажон!” акциялари доирасида минглаб фуқаро ихтиёрий қон топшириб, одамлар ҳаётини сақлаб қолишга ҳисса қўшмоқда. Бундай акциялар орқали жамиятда донорлик маданияти янада мустақамлашиб, ёшлар ўртасида инсонпарварлик ва фидокорлик руҳи кенг тарғиб қилинмоқда. Кўчма автобуслар замонавий ускуналар билан жиҳозлангани тўғрисида қон олиш жараёни тўлиқ хавфсиз, стерил ва халқаро талабларга мос ҳолда ўтказилаёттир.

Юртимизда “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўкрак нишонини таъсис этилган. Қонунчиликка киритилган ўзгаришларга кўра, бу нишон соҳибларига базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари миқдорда пул муқофоти берилади. Улар ҳар йили ўзи истаган вақтда меҳнат таътилига чиқиб, шаҳар транспортидан бепул фойдаланиш ва санатория йўлланмаларини навбатсиз олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Сарвар ТўРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



# СЕВГИ ВА САДОҚАТ ДОСТОНИ

Саида Зуннунова — атоқли шоира, ўзбек адабиёти тарихида ўзининг нозик ҳиссиётларга бой шеърлари, самимий образлари ва юракдан чиққан сатрлари билан алоҳида ўрин эгаллаган ижодкор. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг рафиқаси. Бу жуфтликнинг биргаликда босиб ўтган ҳаёти йўли 27 йил давом этган, аксарият қисми эса айрилиқ, ҳижрон, тухмат ва азоб-уқубатлар қуршовида кечган. Албатта, булутлар тарқалиб, оила узра қуёш нур сочган кунлар ҳам бисёр бўлган. Саида опанинг вафотидан кейин Саид Аҳмад яна 30 йил умр кўрди, ижод қилди. Натжижада уларнинг ҳаёти муҳаббат ва садоқат рамзи, сеvgи достони ўлароқ тарихга кирди.



\*\*\*  
Саид Аҳмад хотираларидан:

— Мен Катта Фарғона канали қурилиши даврида ёшлар газетасида муҳбир бўлиб ишладим. Бир кун андижонлик ёш шоира Саида Зуннунова билан учрашиб қолдим. У мендан бир неча китоб сўради. Менда улар йўқ эди, лекин дўстимдан олдим ва Саидага бериб юбордим. Китоблар шу бўйи унда қолиб кетди... Орадан бир қанча вақт ўтгач, уйимдагилар Саиданинг яқинлари билан кўришиши ва тўйимиз 1949 йилнинг 28 ноябрь санасига белгиланди...

Бироқ уларнинг бахти узоққа чўзилмади. Саид Аҳмаднинг эслашича, жуда оғир куллари бошдан кечирган кезлари Саида опа кўпинча бир гапни такрорлар эди: “Афтидан, мен машаққатларни кўтариш учун яралганман...”. Ҳатто тўйи кунни ҳам оқшом қўйлагини мотам либосига алмаштирган: 1949 йилнинг 28 ноябрь кунининг суюкли укаси Насибжон 17 ёшида вафот этди. Ониси Сабоҳатхон ая қизининг тўйида даврон суриш ўрнига ўғлининг дафн маросимини ўтказиш учун Андижонга қайтиб кетди.

\*\*\*  
Саида Зуннунова 1926 йили Андижон шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келди. Ўрта мактабни битиргач, Андижон педагогика институтига ўқишга кирди. Сўнг Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетига ўқиди. Турли вақтларда “Гулхан” журнали, “Ўзбекистон маданияти” газетасида адабий ходим, Бадий адабиёт нашриётида муҳаррир ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи бўлиб ишлади.

Шоиранинг илк шеъри 1945 йили Андижон вилояти “Пахта фронти” газетасида босилган. “Қизингиз эди” номли илк шеърлар тўплами эса талабалик йилларида нашр этилиб, шеърий мухлислари эътиборини қозонди. Шундан кейин унинг “Янги шеърлар”, “Гуллар водийси”, “Қизларжон”, “Шеърлар”, “Бир йил ўйлари”, “Нилуфар” шеърли тўпламлари эълон қилинди.

Шунингдек, у гўзал лирик шеърлар билан бирга “Содиқ ва Анор”, “Хайрихон”, “Сурат билан суҳбат”, “Кўшнилари” сингари дostonлар ҳам битди. Саида Зуннунова бу асарларида инсон руҳиятининг нозик қирралари ва тебранишлари, туйғу ва кечинмалари, дарду ҳасрат ва орзу-армонларини маҳорат билан ифодадай оловчи шоира сифатида шаклланиганини намойиш этди.

Саида Зуннунова ўзбек хотин-қизлари ҳаётини ўрганиш, улар турмушидаги машаққатли жиҳатлар ва мураккабликларга жамоатчилик эътиборини жалб этиш ниятида оила ва муҳаббат мавзусида бир қанча ҳикоя ва қиссалар ёзди. Унинг “Гулбахор”, “Повесть ва ҳикоялар”, “Гулхан”,

“Дўстлик”, “Қанот”, “Олов”, “Кўчалар чарогон”, “Бўйларингдан ўргилай” сингари насрий китобларида хотин-қизлар ҳаёти ҳаққоний бадий тажассумини топди. Айниқса, “Янги директор”, “Олов”, “Одамлар орасида” қиссаларида Саида Зуннунова эскилик сарқитларини фoш этиш ниқоби остида совет жамиятидаги иллатларни кескин очиб ташлади. Унинг “Она” ва “Кўзлар” номли пьесалари ҳам бор” деб ёзган эди академик Наим Каримов.

\*\*\*  
Саид Аҳмад хотираларидан:

— Саида иш столи устида бирор нарса ёганини эслаб олмайман. У бир кўла билан қозонда овқат пишириши, бошқа кўлада шеър ёзиши мумкин эди ёки бир кўлада бешик тебратиб, тиззасига дафтар қўйганча ёзарди ва ёзарди... Уйда бир эмас, учта ёзув столи бор эди, у эса дуч келган ерда ёзиб кетарди — дераза остида ёки дазмол столида. Баъзи шеърларини у ойнома муқовасида ёзини бошлаган ва телефон дафтариди давом эттирган. Сўнг уларнинг барини тўплаб, икки нускада босма машинада териб чиққан.

“**Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Фарида Афрўз Саида Зуннунованинг ҳаёти ва ижод йўли, бой маънавий мероси ҳақида сўз юритди. Филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев устоз-шогирд аънавалари, хусусан, Асқад Мухторнинг Саида Зуннуновадаги иқтидорни иллагани ва уни адабиёт бўстонига олиб киргани ҳақидаги қизиқарли маълумотлар билан ўртоқлашди.**”

\*\*\*  
Адиблар хиёбонида Саид Аҳмад ва Саида Зуннуновага ҳайкал ўрнатилган. Бу оддий ҳайкал эмас. У метин ирода, садоқат ва вафо, буюк муҳаббатга қўйилган тинчликдор. Бошқача айтганда, ўтган асрнинг ўртасида бошланган сеvgи ва садоқат достонининг давоми. Икки ижодкор сеvgи-шиб турмуш дафргач, ҳеч қанча вақт бирга яшмай, Саид Аҳмад “халқ душмани” сифатида қамалади.

Ёзувчи тутқунликда Жезқозгон (Қозғистоннинг Қарағанда вилояти) қамқонасидан турмуш ўртоғига кўплаб мактублар ёзди. Улар Саиданинг мажруҳ кўнглига, жароҳатига малҳам бўлиб, унинг қоронғи ҳаётини беади. Ўз навбатида, Саида ёзган мактублар ҳам ошиқ маҳбуснинг ҳижрон дардини оз бўлса-да, енгиллатишга ёрдам берди. Энг муҳими,

хат ёзувчи ҳам, хат оловчи ҳам ижодкорлар эди. Шунинг учун кўп мактубларда ижодга садоқат, устоз-шогирдлик, бир-бирини кўлаб-қувватлаш, ҳамдардлик ҳисси уфуриб туради.



мунис, мушфиқ, меҳрибон онамини овутиб ўтирганингиз учун сиздан ниҳоятда миннатдорман”.

Саид Аҳмад тухмат балосига қолиб, бошига мушкул ишлар тушган бўлса-да, айрилиқда яхши кунларга ишониб яшаганидан бу мактублар гувоҳлик беради: “Тухмат лойқадек қўйига чўкмоғи, ҳақиқат булоқ сувидек қайнаб юзага чиқмоғига ишонган киши ҳеч қачон умидсиз бўлмайди. Яхши кунларнинг бирида юз кўришмоққа умидим катта”.

Саида Зуннунова ёзган ҳар бир шеърини, ҳикоясини Саид Аҳмадга юбориб тургани, улар ҳижронда ҳам ижод жараёнидан бир-бирини хабардор қилиб тургани мактублардан аён.

\*\*\*  
Қора кучлар Саида Зуннуновага турмуш ўртоғидан воз кечиш талабини қўяди. Қатъиятли аёл турмуш ўртоғидан воз кечмайди. Бунинг учун шоирани ўқидан ҳайдашади, ишдан бўшатишади. Эндигина

танилиб бораётган ижодкорнинг шеърларини чоп этишмайди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов хотирасидан: — Ёзувчи Саид Аҳмад қамалгач, шоира Саида Зуннуновани ҳам сиқува оладилар. Ёзувчиларнинг уюшмасида мажлис қилиб, “Ё эрим халқ душмани, ундан воз кечман” деб тилхат ёзиб берасан ёки ёзувчилар сафидан ўчирилсан” деб шарт қўйдилар. Уша маълум йилларда эрининг “халқ душмани” эканини тасдиқлаб, газетга ёзиб чиққанлар ҳам, эрини қаматиб юборганлар билан “апоқ-чапоқ” бўлиб кетган хотинлар ҳам бўлган... Балки шоирани ўртага олиб талаган “ҳаммаслар” Саида Зуннуновадан ҳам шуну кутгандир. Аммо Саида опа бошқача йўл тутган.

— Майли эримни “халқ душмани” дейишингиз мумкин. Аммо менинг ҳам битта шартим бор. Мени эрим билан юзлаштиришлар! Эрим ўз ози билан “Ҳа, мен халқ душманман”, деса, ўшанда ишонаман!

Шоирани ҳақорат қиладилар. Ёзувчилар уюшмасидан ҳайдайдилар. Асарларини босишни тақиқлаб қўйдилар...

Шунда Саида опа келинлик бисоти — тила тақинчоқларни сотиб, машина харид қилади. Қозғқ адиби Мухтор Азевнинг давлат нашриётида чиқаётган “Абай” романи таржумасини машинадан чиқаради ва меҳнати эвазига ҳақ олиш учун нашриётга боради...

\*\*\*  
Саида Зуннунова кекса қайнониси билан бирга яшайди. Эртанги кунига, турмуш ўртоғининг келишига ишонади. Қилинган ноҳақликлар, камситишларга жавобан кўзидаги ёшини кўрсатмай, ўзини бепарво тутган. Метиндек бардош билан барча аламини ичига ютган. Турмуш ўртоғининг ноҳақ эмаслигига кучли ишонган.

Вақт ўтиб, тузум ўзгарди, адиб оқланди. Шоира бошидан кечирган, фақат ўзигагина аён ҳолатларни “Васлингнинг умидида дунёдан ўтиб боргум, Қаноатда Саида филча бўлурми, ҳай-ҳай” деб ёзган сатрларида изоҳлашга ҳаракат қилди. Бу дардли шеър ҳозир халқимизнинг сеvgили кўшиғига айланган.

Сўнг жуфтлик бахтли ҳаёт кечирди. Бироқ бу бахтнинг умри ниҳоятда қисқа бўлди. Ажал шоирани Саид Аҳмаддан ажратди. Адиб 30 йил Саидасиз яшади. Метин иродали, сўзида собит, аҳдига вафодор аёлга ёзувчимиз ҳам умрининг охиригача садоқат сақлади.

Саид Аҳмад хотираларидан: — Бу 1977 йилнинг баҳориди бўлган. Мартнинг ўрталарида ўрик гуллади. Мен ўрикнинг гуллаган соҳидан бирини уздим, она тағида гуллаган бинафшаларни тердим ва эндигина босмадан чиққан “Сараланган асарлар”нинг иккинчи боби билан Саидахоннинг олдига касалхонага бордим. У аввал нашриёт сиёҳининг иси ҳали тарқамасан иккинчи боби варақлади. Сўнг бинафшаларни ҳидлади. Ундан кейингина ўрик шоҳиди гуллара қаради.

— Бу ҳовлимиздаёки ўрикнинг гуллари ми? — деб сўради у.

— Ҳа.

— Марғубанинг дарвозасидаги жийда ҳали гулламадими?

— Бир ойдан сўнг гуллайди, — дея жавоб бердим.

— Мен эса касалхонадалигимда гуллаб қўймасман, дея жавоб бердим. Яхшиямки, у гуллаганда мен уйда бўлман...

Жийда гуллаганда Саидахон оламдан кўз юмади... Бир ойдан сўнг гуллаган жийда шохини юлдим ва унинг қабри устига қўйдим.

Саида Зуннунова 1977 йили 51 ёшни қарши олиб, дунёдан кўз юмди.

\*\*\*  
Адабиётимиздаги икки буюк намоёнанинг ҳаёти, муҳаббати ва садоқати акс этган “Саид билан Саида” фильми кино илхосмандлари эътиборига ҳавола этилганига кўп бўлгани йўқ. Ўзбекистон санъат арбоби Шухрат Аббосов ҳамда Нодира Ҳусанхўжаева (Саид Аҳмаднинг қизи) сценарийси асосида 2018 йили экранларга чиққан фильм “Ўзбеккино” миллий агентлиги буюртмасига кўра режиссёр Нозим Аббосов томонидан суратга олинган.

Чин муҳаббат ва садоқат ҳар қандай шаронгта ҳам қийматини йўқотмайди. Собиқ тузумнинг қонли қатагонларидан минглаб инсонлар қатори азоб кеккан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва унинг суюкли рафиқаси, беназир шоира Саида Зуннунованинг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи кинокартина қисқа муддатда томошабинлар қалбидан чуқур ўрин олди.

Чунки она Ватанга садоқат, меҳнат ва бахт, муҳаббатни ҳақ ўйлик билан қуйлаган шоиранинг лирик шеърлари, насрий

асарлари адабий ҳазинамизни бойитиб турибди. Унинг ҳассос назми, самимий насри ўзбек китобхонларининг маънавий мулкига айланган. Шунингдек, адиба асарларини кўплаб қардош халқлар ўз она тилида сеvgи ўқимоқда.

\*\*\*  
Куни кеча пойтахтимизда атоқли адиба Саида Зуннунова таваллудининг 100 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Адабиёт илхосмандлари аввал Адиблар хиёбонида Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова ҳайкали пойига гул қўйиш маросимида иштирок этиб, ижодкор жуфтлик хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Сўнг тадбир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг катта мажлислар залида давом этди.

Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Фарида Афрўз Саида Зуннунованинг ҳаёти ва ижод йўли, бой маънавий мероси ҳақида сўз юритди. Филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев устоз-шогирд аънавалари, хусусан, Асқад Мухторнинг Саида Зуннуновадаги иқтидорни иллагани ва уни адабиёт бўстонида олиб киргани ҳақидаги қизиқарли маълумотлар билан ўртоқлашди. Гафур Ғулom уй-музейи директори Олмос Аҳмедова ва бошқалар адиблар ҳақидаги ёрқин хотираларни гапириб берди. Ўзбекистон халқ артисти Зулайхо Бойхонова шоира қаламига мансуб “Васлингнинг умидида” деб бошланувчи машҳур шеърнинг кўшиқ бўлиш тарихи ҳақида сўзлаб, халқимиз қалбидан жой олган ижод намуналаридан йиғилганларни баҳраманд қилди.

— Талабалик давримдан “Бир йил ўйлари” китобчаси билан ҳаётимга кириб келган, нозиктаб, малоҳатли жасоратга уйғун шоира билан учрашиш менга насиб этмади, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мухтарома Улуғова. — Бебаҳо хотиралар — аудио, видео ёзувлар орқали шоиранинг қиёфаси, айниқса, овози дилмига ўрнашган қолган. Ҳар гал асарларини ўқиганимда жилоси бахмалга, арқоқ ўриши ипакка андаздек туюладиغان малҳам овозини эшитаман.

Нодир МАҲМУДОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРК” НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-246.  
30829 нускада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов  
Мусахҳис: Шерзод Маҳмудов  
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй